Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 15 сентябрь, чоршанба № 168-169 (21.520). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 сентябрь куни АҚШ давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Талботт жанобларини қабул қилди. Суҳбат чоғида давлатимиз бошлиғи меҳмонга Ўзбекистоннинг яқин ўтмиши, бугунги куни ва келажак режалари хусусида муфассал ҳикоя қилди. У Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг истиқболига катта умид билан қараётганини айтди. Ҳозирча ўзаро иқтисодий алоқалар кўлами етарли даражада эмас, деди Президент, Америкалик сармоя аҳли биз билан ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилишига барча имконият мавжуд. Ташқи иқтисодий алоқалар хусусидаги янги қонунларимиз, айниқса бож тўлови ва солиқ борасидаги катта имтиёзлар хорижий сармоядорларни ўзига жалб этмоқда. Европанинг ривожланган мамлакатлари, Жанубий Осиёнинг илғор давлатлари буни аллақачон тушуниб етди ва Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлади.

Строб Талботт жаноблари Ўзбекистон раҳбарига Президент Клинтоннинг саломини етказди ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳақидаги тилакларга самимий рағбат билдирди. Америкалик меҳмон ўз давлатининг собиқ СССР ўрнида вужудга келган янги республикаларда инсон ҳуқуқлари масаласини синчиклаб ўрганаётганини баён этди.

У демократия борасида янги давлатларга Туркия мамлакати ибрат бўлиши мумкинлигини айтди. Президент Каримов бу фикрни тасдиқлаб, Туркия давлати тарафидан бизга ҳеч бир зътироз йўқлигини, аксинча, ўзаро сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатлар изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Самимий суҳбат чоғида Президент меҳмонга шундай деди: «Айтайлик, АҚШдаги муаммоларни ва уларнинг ечимини ким ҳаммадан кўпроқ англайди? Албатта, америкаликларнинг ўз давлати, ўз халқи ва ўз раҳбарияти. Худди шу сингари, Ўзбекистон муаммоларини англайдиган, туб моҳиятига етадиган ва уларни ҳал этадиган ҳам Ўзбекистоннинг ўзи, унинг халқи ва раҳбарияти бўлиши керак, деб ўйлайман. Шубҳасиз, сизнинг бу ташрифингиздан кейин мамлакатингизда бизнинг ватанимиз ҳақида ҳаққоний маълумотлар кўпайиб, тасаввурлар ўзгара бошлайди».

Суҳбат чоғида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатларидек қудратли ва демократик анъаналарга бой мамлакат билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ва ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликка тайёр эканини яна бир карра таъкидлади.

Қабулда Президентнинг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк иштирок этди. (ЎзА).

ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

12 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Маҳмуджон Расулов республикамизга ташриф буюрган Ҳиндистон фуқаро авиацияси ва туризми вазири, Миллий Конгресс раҳбарияти аъзоси Ғулом Наби Озод бошчилигидаги дўст ҳукумат делегациясини илтимосига биноан қабул қилди.

Маҳмуджон Расулов меҳмонларга мамлакатимиз Конституциясида ёзилганидек, дунёвий давлат қурилаётгани, ислоҳотлар изчил, пухта ўйлаб амалга оширилаётгани, республика раҳбариятининг оқилона сиёсати натижасида юртимизда сиёсий барқарорлик, жамиятимизда осойишталик, фуқароларнинг тотувлиги ҳукм сураётганлиги, Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларида тинчликни сақлаш борасидаги ташаббуслари ҳамда ХДПнинг ички партиявий ишлари тўғрисида гапириб берди.

Ғулом Наби Озод ҳукумат ишлари билан бир вақтда ўзининг асосий вақтини Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси ишларига сарфлаётганини айтди. Ҳеч ақидапарастликка йўл қўймаслик керак, ҳозирги даврда одамларни диний қарашлар бўйича эмас, балки, инсониятнинг эзгу мақсадларига етказувчи дастурлар орқали, яъни партиявий дастурлар орқали бирлаштириш зарур, деди у. Делегация раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга юқори баҳо берди. Ғ. Н. Озод партиялараро ўзаро алоқаларни янада яхшилаш, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кучайтириш ҳамда ёшлар делегацияларини ҳам айирбошлаш тўғрисида таклифлар айтди.

Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Қабулда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта иштирок этди.

---

13 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов Олмония Республикасининг жаҳонга машҳур «Хёхст» концернининг етакчи мутахассисларидан иборат делегациясини қабул қилди.

Суҳбат чоғида делегация раҳбари — ушбу концерн директорларининг Кенгаш аъзоси, Оврупо ва Осиё мамлакатлари бўйича масъул жаноб У. Я. Томпсон Ўзбекистонда Республика Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар хорижий давлатларнинг йирик тадбиркорлар ва ишбилармонлари доирасида катта қизиқиш билан кутиб олинаётгани, бозор иқтисодиёти шароитига ўтишда оқилона сиёсат танланганлигини таъкидлаб, Ўзбекистоннинг табиий ва илмий салоҳиятларини юксак баҳолади. Шунингдек, «Хёхст» концернининг серқиррали фаолияти ҳамда Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноатларини ривожлантиришда «Хёхст» концернининг қўшиши мумкин бўлган имкониятлари ҳақида гапириб берди.

Ўз навбатида Маҳмуджон Расулов мамлакатда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида республика раҳбариятининг иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ва бунда аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоялашга йўналтирилган сиёсати, Ўзбекистон ХДПнинг юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги амалий фаолияти билан меҳмонларни батафсил таништирди.

Дўстона ва самимий ўтган суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби И. Кочмарик, парламент иши ва партиялараро алоқалар бўлими мудири К. Жуманиёзов, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашларининг биринчи котиблари Ш. Шоисломов ва Ў. Турғуновлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг, хусусан, кам даромадли шахсларнинг, пенсионерлар ва талабаларнинг ижтимоий кафолатларини янада таъминлаш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

— иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 13.500 сўм қилиб белгиланиб, иш ҳақи ўртача 1,2 баравар оширилсин;

— фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 13.500 сўм миқдорида;

— меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 14.625 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари 1,2 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилсин, шу билан бирга талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларининг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб окладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги мазкур фармонга мувофиқ пенсияларнинг миқдорлари қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур фармонга мувофиқ даромад манбаларини қидириб топишга қараб, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб берадиган кредитлар ҳисобидан меҳнат ҳақини ошириш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 28 майдаги 607-сон фармонининг 6-банди ўзгартирилиб, корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган қўшимча қийматга белгиланган солиқ миқдори амалдаги 5 фоиз ўрнига 6 фоизгача кўпайтирилсин ва у меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга сарфлансин.

8. Ушбу фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 13 сентябрь.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Андижонда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими Қ. Обидов Президент Ислом Каримов республика Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқида ва «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида ўртага қўйган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда вилоят халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари белгилаб олинди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари К. Тўлаганов йиғилишда сўзга чиқди.

* * *

Урганчда ҳам вилоят фаолларининг мазкур масалага бағишланган йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокими М. Жуманиёзов маъруза қилди.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов сўзга чиқди. (ЎзА).

ТАНЛАРИ ХАЛҚ ИЧРА БЎЛСА, ДИЛЛАРИ МАВЛО БИЛАН

«Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир», деган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов. Мустақиллигимиз туфайли қадриятларимиз қайта тикланиб, шу кунларда буюк бобокалонимиз Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини муборакбод қилмоқдамиз. Ҳамманинг нигоҳи Бухорои Шарифга қаратилган. Эртага Бухоро шаҳрида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудига бағишланган тантаналар бошланади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига чин ихлос ва эҳтиром халқимизнинг руҳини кўтариб, имон-эътиқодини мустаҳкамламоқда, бу ном олти асрдан бери эзгулик, нажот, руҳий қувват тилаган ҳар бир инсонга ҳамроҳ бўлиб келмоқда.

СУРАТДА: Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўз мулозимлари билан суҳбат чоғида. (Сурат матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда).

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудига бағишлаб берилган материаллар билан газетамизнинг бешинчи саҳифасида танишасиз.

«1993 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Аҳолининг, айниқса кам даромадли кишиларнинг, пенсионерлар, талабалар ва ўқувчиларнинг ижтимоий муҳофазаси масалаларига ниҳоятда муҳим аҳамият берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1993 йилнинг 1 сентябридан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдори, пенсиялар ва стипендиялар 1,2 баравар оширилди.

Шу йилнинг бошидан буён бу уларнинг бешинчи марта оширилишидир. 1992 йил декабридаги даражага нисбатан иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар салкам 7 баравар ошди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб иш ҳақининг энг оз даражаси ойига 13500 сўм миқдорида белгиланади, ваҳолонки, Россия Федерациясида бу миқдор август ойида 7740 сўмни, Қозоғистонда 4500 сўмни, Беларусда 9000 сўмни, Туркманистонда 9600 сўмни, Тожикистонда эса 4000 сўмни ташкил этди.

Шу йилнинг 1 сентябридан иккинчи малака тоифасига эга бўлган ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи устама ва қўшимча ҳақларни қўшмасдан ҳисоблаганда тахминан 37200 сўмни ташкил этади ёки 6200 сўм кўпаяди, биринчи малака тоифасидаги ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 40700 сўмни ташкил этади ва 6800 сўм кўпаяди, биринчи малака тоифасидаги шифокорнинг ўртача ойлик иш ҳақи эса 44400 сўм бўлади ёки 7400 сўм кўпаяди.

Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 13.500 сўм миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 28 майдаги 607-сон фармонининг 6-банди ўзгартирилиб, корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган қўшимча қийматга белгиланган солиқ миқдори амалдаги 5 фоиз ўрнига 6 фоизгача кўпайтирилади ва у меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга сарфланади.

Барча турдаги пенсиялар 1,2 баравар оширилади, бунда меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 14625 сўм қилиб белгиланади. Россия Федерациясида меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 14620 сўм, Қозоғистонда — 4500 сўм, Беларусда — 10500 сўм, Туркманистонда — 9600 сўм, Тожикистонда — 6000 сўм. Ўзбекистонда пенсияларнинг миқдори ўрта ҳисобда 3620 сўм кўпаяди ва ойига 21720 сўмни ташкил қилади.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ҳам 1,2 баравар оширилмоқда. Бунинг натижасида олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 10910 сўмни, техникумлардаги ўқувчиларнинг стипендиялари 8480 сўмни ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқувчиларнинг стипендиялари 7100 сўмни ташкил этади. Шу билан бирга улар учун талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинади. Олий ўқув юртлари талабасининг умумий даромади ойига ўрта ҳисобда 13660 сўмни ёки энг оз иш ҳақи даражасига нисбатан 101,2 фоизни ташкил қилади.

Ушбу Фармонда кўзда тутилган бюджет ташкилотларида иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ умумий харажатлар бир ойга ҳисоблаганда 26,3 миллиард сўмни, шу йилнинг охиригача эса 104,7 миллиард сўмни, шу жумладан бюджет ҳисобидан 83,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

ДИНДОРЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ОНА ВАТАН: БУГУН ЭРТАГА

● Истиқлол шарофати

МУСТАҚИЛЛИК ЁДГОРЛИГИ

Қўқондаги «Озодлик» ҳиёбонида мустақиллик ёдгорлиги очилди.

Бундан бир йил муқаддам Президентимизнинг имзоси билан бу ерда мустақиллик ёдгорлиги қурилади, деган сўзлар ёзилган лавҳа ўрнида ажойиб меъморий обида қад кўтарди. Унинг тантанали очилишида шаҳар жамоатчилиги вакиллари, қўшни Тожикистондан келган меҳмонлар иштирок этишди.

Маросимда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов қатнашди.

● Қадриятларимиз

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

Улуғ сиймо — Баҳоуддин Нақшбанд ўзидан бебаҳо мерос қолдирган.

Унинг таълимоти ўзлигимизни янада чуқурроқ англашимизда асқотиши табиий. Негаки, Ўрта Осиё халқлари тафаккури тарихида Нақшбандия тариқати асосий ўрин эгаллайди. У инсонни жамият ҳаётидан узилмасликка, ўз фаолиятини эл-юрт манфаатларига хизмат қилишга чақирган. Эзгулик, ҳалоллик, меҳнатсеварликка даъват қилган.

Шу боис Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилгани бежиз эмас. Куни кеча Ўзбекистон Фанлар академияси ва республика Диний ишлар қўмитаси ўтказган халқаро илмий конференция ҳам ана шу санага бағишлаб ўтказилди. Унда таниқли олимлар ва Диний ишлар қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти М. Салоҳиддинов очди. Олимлардан И. Султонов, А. Қаюмов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Шайх Абдуғани Абдуллаев ва бошқалар ўз нутқларида Нақшбанд таълимотининг халқларни бирлаштириш, пок ахлоқли бўлиш ва ҳалол меҳнатга ундаши сингари ғояларини тарбиявий аҳамиятини таъкидлашди. Келажаги буюк давлат — Ўзбекистонимиз учун имонли, меҳнаткаш ворисларни вояга етказишда Нақшбанд таълимотидан шубҳасиз фойдаланиш керак. Халқаро илмий анжуман хулосаси шундай.

● Халқаро ҳамкорлик

КУЛОЛЧИЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон, АҚШ, Туркия, Туркманистон кулолчилари Тошкентда ўзларининг анъанавий халқаро анжуманларини бошлашди.

Анжуман қатнашчилари кулолчилик бўйича тажриба алмашиш, моҳир усталар ютуқлари билан яқиндан танишишга ҳаракат қиладилар. Улар бир ой мобайнида Тошкент кулолчилик заводининг устахоналарида ишлайдилар. Анжуман қатнашчиси-америкалик Марсия Селсор кулолчиларимиздан Р. Янгибоев, А. Николаев, С. Султонмуродов ва Н. Қўзиевларнинг асарларини юқори баҳоладн. Анжуман охирида кулолчилик асарлари кўргазмаси ташкил этилади.

● Соғлом авлод

БИРИНЧИ ТИББИЙ КОЛЛЕЖ

Янгийўлдаги Абу Али ибн Сино номли тиббиёт билим юртн негизида юртимизда биринчи тиббиёт коллежи очилди.

Ўқув дастурлари бирмунча мураккаблаштирилган бўлиб, бўлажак тиббиёт ҳамширалари икки йил ўрнига тўрт йил таҳсил кўришади. Коллежнинг мақоми ҳам ўзгарган. Ўқитувчилар қатори олий ўқув юртларидан таклиф қилинган профессорлар, шифохоналарнинг малакали врачлари ҳам дарс ўтадилар. Битирувчилар тиббиёт билим юртларида дарс ўтиш ҳуқуқини берадиган диплом оладилар.

● Оммавийлик йўлида

ҲОКИМ МИННАТДОРЧИЛИГИ

Жиззах вилоятида спортнинг севимли турларидан ҳисобланган футболни ривожлантириш ва оммавийлаштиришга эътибор қилинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида қатнашаётган «Сўғдиёна» футболчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими, вилоят футбол уюшмасининг раиси А. Х. Тошканбоев футболчиларга Жиззах спорт шарафини астойдил ҳимоя қилаётганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Футболчилар ва уларнинг мураббийларига совғалар топширилди. «Сўғдиёна» жамоасининг мутасадди ва футболчилари мухлислар ишончини оқлашга сўз бердилар.

(Муҳбирлар, хатлар ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

ДИНДОРЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ



МАЪЛУМКИ, Республика Президенти И. А. Каримов турли учрашувларда, анжуманларда мустақил мамлакатимизни ҳимоя қила оладиган, мамлакат обрў ва эътибори учун курашадиган самимий, виждонли ходимлар бўлишини астойдил таъкидлайдилар. Юртбошимизнинг, хато қилмасам, аксарият фикру зикри республика кадрлари тўғрисида, уларнинг виждонан ишлаши тўғрисида ғамхўрликка қаратилган. Сабаби, ҳар бир соҳада ўз касбини севадиган жонкуяр раҳбар ишламас экан, бу мураккаб даврда давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдек оғир, лекин шарафли ишни бажариб, олға қараб силжиш мумкин эмас. 1993 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида раҳбарлар масъулиятини ошириш хусусида жиддий сўзлар юритилганининг гувоҳимиз. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII пленумида «Ҳозирги қийин ўтиш даврида марказда ҳам, вилоят ва туманларда ҳам раҳбарлик лавозимларида» Президентимиз ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатни бажаришга қодир бўлган ва эътиқод қўйган фаоллар ишлашлари лозим... Айни ана шундай раҳбарларгина ўз соҳаларининг ҳам хўжалик юритиш, ҳам сиёсий-ижтимоий жабҳаларини ривожлантира олишлари мумкин!», — дейилади. Бу фикрларга қўшилмай иложи йўқ. Чунки мустақил республикамиз янгича бошқарув тизимига эга бўлмоқда. Мустақил давлат тақдирини ўйлайдиган кадрлар ҳамма жабҳаларда сув ва ҳаводек керак.

Янгича фикрлаш, янгича қарашларга эга, янгича талаб ва эҳтиёжни тушунадиган раҳбарлар зарур. Мазкур соҳада кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишни давр талаб қилаётир. Сир эмас, бундан бир неча йил муқаддам раҳбар ходимлар тайёрлашнинг ўзига хос кучли тизилмаси мавжуд эди. Бизнинг фикримизча, ҳозирги қийин, бозор иқтисодиётининг ўтиш даврида бу соҳада ҳам қандайдир «бўшлиқ» бўлмаслиги зарур. Бу билан энди биз партия барча раҳбар ходимларни тайёрлаб бериши лозим, деган фикрдан йироқмиз. Лекин, меҳнат жамоалари билан бевосита ишлайдиган партия фаоллари республикада кўпчиликни ташкил қилади (масалан, бошланғич ташкилотлар котибларининг ўзигина 12 мингдан ортиқдир). Сўз ана шу партия ходимлари устида бораётир. Давримизнинг қийин палласида халқ билан муомала қилиш, сиёсий ва нутқ маданиятига эга бўлган, халқ учун жонкуярлиги билан ажралиб турадиган тажрибали партия фаолларимизнинг келажакда халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўрта бўғин раҳбар даражасига кўтарилиши қонуний бир зарурияти. Ўтган йилда партия ходимларидан 150 нафари ҳокимликлар ва халқ хўжалигидаги турли раҳбарлик лавозимларига кўтарилгани фикримизнинг исботидир.

Бу халқимизнинг катта ишончидир. Уни оқлаш ҳар бир партия аъзосининг муқаддас бурчи бўлиши лозим. Лекин ҳали бу соҳада ишлар кўнгилдагидек эмас. Кўп ҳолларда раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишда бошланғич партия ташкилотлари ташаббус кўрсата олмаяптилар ёки бўлажак раҳбар ходимларни танлашда партиядошлар фикри сўралмаяпти. Афсуски, бу ташқаридан қараганда арзимаган нарсадай кўринади, лекин жамоат ташкилотлари ижодий фаолиятини сусайтириб қўйиши турган гап. Баъзан атайин ҳам шундай қилинади.

Айрим меҳнат жамоаларида раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишда кўпинча партия ташкилоти раҳбарияти андишага боради ёки биринчи раҳбар билан орадаги муносабатни бузишдан чўчийди. Кўпинча эса номзодни ҳимоя қилиш ёки у ҳақда салбий фикр айтишдан бош тортади. Чунки, баъзан инсонийлик муносабатлари нималигининг фарқига боравермаймиз. Кўнглида кири йўқ, жамият учун, жамоа учун жон куйдирадиган, ўз партия аъзосининг фаолиятини сўрагани учун ўша жонкуярлик кўрсатган кишини четга чиқаришга ҳаракат қиладилар, шахсий манфаатни устун қўядилар.

Айтиш керакки, калта ўйлайдиган раҳбарлар ўртасида яна бир ёмон иллат бор, Бу шундай иллатки, сидқидилдан меҳнат қилаётган, қўл остида ишлайдиган кишиларнинг ижобий томонларини кўра билмасликдир. Халқда «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич» деган мақол бор. Ўз меҳнати, адолатлиги, камтарлиги, ташкилотчилиги билан киши жамоада ҳурмат топган бўлса, раҳбарнинг шахсияти билан нима алоқаси бор? Маълумки, камчиликсиз инсоннинг ўзи йўқ. Лекин жамоанинг 80—90 фоизи ўша ходимнинг меҳнат фаолиятини ёқтириб, ундан фойдаланишни истасачи? Минг надоматлар бўлсинки, ана шундай шароитларда ҳам жамоанинг обрўли кишилари, ташкилотлар ўз номзодлари тўғрисидаги ижобий сўзларини баралла айта олмайдилар. Бу баъзи раҳбарлар ўз тинчлигини ўйлаб талабалар билан ижтимоий-сиёсий соҳалардаги мулоқотларни тўхтатиб қўйганлар. Бу каби раҳбарлар баъзи олийгоҳлардаги ёшлар иттифоқи ташкилотлари фаолиятини ҳам чеклаб қўймоқдалар. Демак, ёшларнинг сиёсий маданиятини, билимини ошириш ўрнига улар ўртасида иш олиб боришга халақит ҳам бераётган раҳбарлар йўқ эмас. Ўз-ўзидан маълумки, бундан раҳбарлар ўз фаолиятлари билан демократияни тараққий эттиришга тўсиқ бўлаётганликларини ҳам сезмаяптилар. Айтиш лозимки, кўп раҳбарларимиз борки, фақат ўз фаолияти даврида ишларни бажаришга ҳаракат қиладилару, ўзларидан сўнг шу корхона келажаги учун нима, кимни қолдиряптилар, бунга бефарқ қарайдилар. Натижада ўша корхона, ташкилот, билим даргоҳлари фаолияти йилдан-йилга орқага қараб кетаверади, яхши ходимлар бу жойлардан безиб, бошқа жойларга кетадилар. Маҳаллий партия ташкилотлари бундай иллатлар пайдо бўлган жамоаларни кўра билиши, тегишли раҳбар партия органлари билан бамаслаҳат иш олиб бориши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Айтиш керакки, баъзи партия ташкилотларида айрим котиблар, аъзолар борки, янги партиянинг нуфузини нимада эканлигини яхши пайқамайдилар. Баъзида, бу номга путур етказиб, партия номининг муқаддаслигини сақлай олмайдилар. Халқ, жамоа олдида қинғир ишлари билан уни обрўсизлантирадилар. Шундай экан, айниқса, ҳозирги сайланган партия котиблари, партия аъзоси бўлган раҳбарлар ўз ўринларини яна бир бор таҳлилдан ўтказишлари, ўзларига четдан туриб қарашлари керак, деб ўйлаймиз. Ҳар бир котиб, раҳбар ўз ўрнининг моҳиятини, партия обрўсини тушунмас экан, партиямиз фаолияти орқага кетиши табиий. Бу ўринда таъкидлаш керакки, Ҳиндистон миллий конгресси партияси узоқ йиллар давомида ҳокимият учун сайловларда доимий равишда ғалаба қозониб келади. Бунинг сабаби, партия аъзолари, партия раҳбарларининг одоб ва ақл, инсоф ва диёнат, сиёсий етуклик ва нотиқликда етакчи бўлганларидадир. Миллий конгресс партиясида, бизда эътиборсиздек туюлган (улар учун жиддий) партия ходимларининг кийинишларида ҳам партия нуқтаи-назаридан келиб чиқилган. Партия аъзоларининг партия йиғилишларига миллий кийимларда келиши уларнинг низомларида таъкидланган бўлиб, партия аъзолари шу каби бошқа этикавий томонларга эътиборни қаратганки, бу партия нуфузига-нуфуз қўшишга ёрдам беради. Демак, партия нуфузи учун курашда ҳар бир котиб фаолиятида «майда-чуйда» деган ибора ва фикрларнинг ўзи бўлмаслиги керак.

Сайланган партия котиблари ўз навбатида мен ҳукмрон партиянинг вакилиман, деб мағрурланишга чек қўйган ҳолда, бутун бор кучини жамоа равнақи учун курашнинг энг долзарб жойига сарфлаши зарур. Ўз обрўси ва партия обрўсини мисқоллаб йиғиши керак, деб ўйлаймиз. Обрў олиш учун ҳозирги кунда фаолиятимизнинг ҳамма қирраларида ўрин бор. Олдинги пайтларда обрў олиш учун каттакатта йиғилишлар, умумий тадбирлар ўтказиш зарур бўлган бўлса, эндиликда халқимиз бу тадбирларнинг ҳам фойдали, фойдасиз томонларини билиб олганлар. Шу сабабли ҳар бир жараёнда кўпроқ яккама-якка тартибда иш олиб бориш йўлга қўйилмаса, обрўни ортириш амри-маҳолдир. Бунинг учун партия ходимлари катта ишонч ва масъулиятни, жавобгарликни мукаммал сезиши, ҳис этиши лозим.

Тадбирларни ўтказишда ишчан, ҳаракатчан, жонкуяр партия аъзолари кўзга ташланади. Шу даврда партия ташкилотлари котиблари айнан шу кишиларни янада синчиклаб ўрганиб, заҳира рўйхатига киритиб қўйсалар, келажакда ўзларининг ишлари ҳам енгилроқ кечиши турган гап. Бундай кишиларни инсонийлик, жамоа учун ҳаракатини тушуниб етганлигига, миллий ғурур ва қадриятларга ҳамда бошқа миллатлар қадриятларига, умуман мустақилликка муносабатлари доирасида баҳоланса, мақсадга мувофиқ. Улар ўзининг орқасидан кишиларни етаклай оладими, ёки йўқми, ҳар қандай суҳбат, даврада ҳам «консультациясиз», «қўшимча тайёрланган махсус «қоғозларсиз» сўзга чиқа оладими ёки йўқми, шу жараёнларни ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари керак.

РАҲБАРНИ ТАНЛАШ долзарб масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Лекин, қобилиятли, иқтидорли кишиларни излаб топишга муттасил эришиш лозим. Уларнинг фазилатларини теварак-атрофдаги кишилар фикри асосида ўрганиш албатта шарт. Тўғри, маълум киши тўғрисида мутлақ бир фикр келиб чиқмайди, аммо кўпчилик фикри барибир устун келиши табиий. Бўлажак раҳбарни танлашда кўпроқ одамгарчилиги, муомаласи, касби, маҳоратига диққатни тортиш айни муддаодир.

Партия ташкилотлари қонунда кўзда тутилган воситалар билан номзоднинг тайинланиши ёки сайланишига эришмоқлари зарур. Бинобарин, барча турдаги (лавозимдаги) раҳбар ҳаракатига танқидий ёндашишдан узоқлашмаслик керак. Партия ва бошқа жамоат ташкилотлари тавсияси билан масъулиятли лавозимларга қўйилган раҳбар ходимлар ўзларининг қонуний бурчларини астойдил бажаришга талабчанлик билан қараб, иш юритишлари зарур. Ўз навбатида бу жараёнлар партия ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида бўладиган камчиликлардан ҳоли қилади. Афсуски, баъзи партия ташкилотлари ўзларининг раҳбар аъзолари фаолиятига кўпроқ бефарқ қарайдилар, уни ўша лавозимда ишлаб турганида яхши кузатмайдилар ёки лоқайдлик қиладилар. Сезилмай қилинаётган хатоларни у ёки бу партия аъзосига ўз вақтида айтмайдилар, олдини олиш чораларини кўрмайдилар. Бу билан маънавий ва моддий йўқотиш бўлаётганини кўра билсалар ҳам, индамай қўяверадилар. Бу жамоанинг орқага кетишига сабаб бўлади.

Яна бир муаммо — бу тайинланган ёки сайланган раҳбарларнинг баъзилари ўз партияси вазифаларини унутиб қўймоқдалар, ўз партияси тўғрисида бош қотириш у ёқда турсин, керакли жойларда ўз партияси номини айтишдан ҳам тортинадилар. Ҳатто, жон куйдириб партия топшириғини, жамоа ишини бажараётган, моддий манфаат кўрмаётган партия аъзосининг кўнглини кўтариш у ёқда турсин, балки унинг фаолиятини ҳатто кўрмаганга ҳам оладилар.

Юқорида айтганимиздек, партия раҳбарларининг ўз нуфузини кўтаришнинг яна бир томони, айниқса кўп партиялилик даврида нотиқлик маҳоратидир. Сир эмас, кўпгина котиблар қўлида қоғози бўлмаса ўртага чиқа олмайди, аввалги даврдагидек ҳаракат қиладилар. Ўз фаолиятларига ва жамоага таллуқли бўлган бирор масалани баралла мажлисларда кўтариб чиқишга ҳам ботинмайдилар. Бундай кишилар партия ва корхона раҳбарлари ўртасида ҳам кўплаб топилади. Қисқаси, нотиқлик маданиятига эга бўлиш партия ходими учун долзарб дир. Шундай экан, ҳозирги партия раҳбар ходимларида сиёсий билим, ишбилармонлик, намунали, ахлоқий ва узоқни кўра билиш сифатлари мужассам бўлиши давр талабидир. Бунинг учун ҳар бир партия аъзоси, ҳар бир партия котиби ўз маҳорати устида қандай ва қай вазиятда бўлмасин, ишлашга мажбурдир. Билим бўлмаса, нотиқлик ҳам ўрнига тушмаслиги табиий. Чунки, партия ходимларининг ҳаммаси ҳам ўқитувчи, журналист, юрист ёки махсус гуманитар олийгоҳларни тугатиб, ишлаётганлари йўқ, улар ўртасида мутахассисликлари, нотиқликка ўргатмайдиган соҳалар кўп. Уларни биз танқид қилишдан узоқмиз. Чунки, бу кишиларнинг кўпчилиги ўз соҳаларини яхши мутахассислари бўлганлиги, камтарлиги, виждонлилиги натижасида раҳбарликка сайлангандирлар.

Таъкидлаш лозимки, партия раҳбарларини бошқариш соҳасидаги, умуман уларнинг малакасини ошириш соҳасида келажакда Марказий Кенгаш томонидан турли тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Ҳозирга қадар туман ва вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида турли амалий-назарий анжуманлар ўтказилди. Эндиликда Марказий Кенгашнинг матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими қошида сиёсий-маърифий ва ўқув маркази ташкил этиляпти. Бу марказда партия раҳбар ходимларини ўқитиш шу йилнинг сентябрь — октябрь ойларида бошланиши кўзда тутилмоқда. Бу билан партия ходимларини қайта тайёрлаш бўйича ишимиз анча енгиллашса ажаб эмас.

Зиёдулла ДАВРОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири.

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСИЗ, ПАРТИЯДОШЛАР?

«ТАҚДИРИМИЗ ТУТАШГАН»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши ижроия бюроси аъзоси, Пайариқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Эрдош АҲАДОВ билан суҳбат

— Эрдош ака, шу партиянинг аъзоси сифатида ХДПнинг жамиятдаги мавқеи қандай бўлишини истайсиз?

— Агар қисқа қилиб айтсам, ХДПнинг нуфузини бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан баландроқ бўлишини хоҳлайман. Яшириб нима қиламиз: партиянинг обрўси тушиб кетаяпти, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бироқ бу гапларни кўзлаган амалларига етолмаганлар айтишаяпти. Қолаверса кўппартиялилик шароити қонуниятларини ҳам унутмаслик керак.

Барибир ҳар қандай партиянинг қадр-қиммати унинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, мен ХДПнинг мустақилликни мустаҳкамлаш ва бир қанча ислоҳотларни амалга оширишдаги фаоллигидан хурсандман. Ўзим ҳам шу жараёнда иштирок этмоқдаман. Халқимизда «Қаторда нورинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган ажойиб нақл бор. Бунинг маъноси шуки, агар ХДП ҳозирги шароитда, яъни иқтилобий ички курашлар жараёнида Президентимиз И. Каримов сиёсатини қўллаб-қувватлаб, халқни тўғри, одил йўлга даъват эта олса, унинг келажаги худди республикамизники каби порлоқ бўлади.

— Илгари бюро аъзолари фақат мажлисларда қатнашиб, ишни асосан партия аппарати ходимлари олиб боришарди...

— Фикрингизни тушундим. Ҳозир ундай эмас. Ҳатто ўзини жамоат ишларидан олиб қочган икки кишини бюро аъзолигидан чиқардик. Бугун бизга кабинетда ўтирадиган эмас, балки халқ ичида ишлай оладиган кадрлар кўпроқ керак.

— Демак, Сиз доимо халқ ичида...

— Тўғри топдингиз. Шароит шуни тақозо этади. Туман ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби С. Бойзоқов раҳбарлигида ҳар ўн бешкунда битта хўжалик фаолиятини ўрганамиз. Ўша ернинг ўзида камчиликлар бартараф этилади, келгуси ишлар режалари белгиланади. Халқнинг фикрини, таклифини эшитамиз. Дарвоқе, бундай йиғилишларда ХДП туман Кенгашининг биринчи котиби Фармон Хўжанафасов доимо ёнимизда бўлади. У кишининг таклиф-мулоҳазалари ҳокимликда алоҳида инобатга олинади. Чунки партия Кенгаши ходимлари ва фаоллари ҳам бизга яқиндан ёрдам беришаётир.

Мен партия билетларини топшириш маросимларида фаол қатнашдим. Ҳозир ҳам бошланғич ташкилотларда бўлиб, партия сафига кираётганлар билан суҳбатлашаман. Аъзолик бадаллари тўланишини назорат қиламан. Челак туманидаги Кенгаши ишига ҳам ёрдам бериб тураман. Очиғи, иккала туман партия Кенгашлари фаолиятидан ҳам кўнглим тўқ. Негаки, уларнинг халқ ичида обрўси яхши. Иқтисодий томондан бировга муҳтож жойлари йўқ. Аксинча, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ёки халқ фаровонлигини ошириш ҳамда аҳоли ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш юзасидан ҳокимликларга ибратли ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

— Эрдош ака, Сиз илгари партия идораларида ишламагансиз, тўғрими?

— Мустақиллигимизнинг ўтган икки йили давомида бизнинг партия ўзининг амалий стратегиясига, йўлига эга бўлди ва бу йўл халқимизнинг синовидан ўтди, десам хато қилмайман. Ўзбекистон тақдири ва келажагига чин дилдан жон куйдирганлиги учун ҳам мен ХДП сафига кирганман. Партия сиёсатини қўллаб-қувватлаш учун унинг маҳкамасида ишлаш шарт эмас. Масалан, тўрт нафар укаларим ҳам ана шу партия сафида.

— «Ўзбекистон овози»га муносабатингиз...

— Авваламбор, бу рўзномани ҳурмат қиламан. Жамоа хўжалигига раҳбар пайтимда ҳар йили ҳамкасбларингизни деҳқонлар ҳузурига олиб келардим. Жорий йилда обуна туманда ёмон бўлмади. Албатта, бозор иқтисодиёти севимли газетамизни моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлашни талаб этмоқда. Пайариқликлар бу эзгу ишга биринчилардан бўлиб қўшиладилар.

Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.

АҲМАДОБОД ҚИШЛОҒИ

Косон туманидаги «Писталн» жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Аҳмадбобо Умрқулов 103 ёшга қадам қўйди. Унинг бутун умри қўйчивонлик билан ўтган. 6 ўғил, 1 қизни тарбиялаб вояга етказди. Бош фарзанди Нусрат буви 84 ёшда. Фахрийлик гаштини сурмоқда. Кенжатойи Ҳамид ака 52 ёшда, чорвадор.

Узоқ умр кўрган отахоннинг 400 га яқин нева-чевара, эвараси, қариндош-уруғи бор. Президентимиз И. Каримов фармонига биноан Пистали хўжалиги раҳбарияти 250 нафар кишининг ҳар бирига 25 сотихдан томорқа участкаси берган эди. Қурилишларга қишлоқ оқсоқоли сифатида Аҳмадбобо бош-қош бўлди. Қисқа даврда янги массивда йўлдош қишлоқ вужудга келди.

Янги қишлоқни кўпчилик аҳолининг талаби билан Косон тумани ҳокимлиги «Аҳмадобод» деб атади.

Мусо КАРОМОВ,

ЕТИМЛАР БОШИНИ СИЛАБ

Анъанага кўра сурхондарёликлар пахта йиғим-теримидан олдин тўй-томошаларини ўтказиб олишади. Яқинда Бойсун туманидаги болалар уйида катта тўй бўлиб ўтди.

20 дан ортиқ сағир болаларнинг кўли ҳалолланди. Бу тўйда Жўра Норалиев иштирок этди ва ҳокимликнинг совғасини топширди. Шунингдек, бошқалар ҳам баҳоли қудрат ўзларидан орттирганларини болаларга сийлов қилдилар. Жумладан, қумқўрғонлик ўқитувчи Шарбат Мўминова ўзи яқинда ёзган «Сурхондарё тарихи» китобининг қалам ҳақини болалар уйига ҳадя қилди.

Олимжон УСАНОВ.

Кейинги йилларда республикамиз қишлоқларида мактаблар ва болалар муассасаларига эътибор кучайди. Айниқса, хўжаликлар қошидаги болалар боғчаларида кичкинтойлар тобора катта ғамхўрлик билан қуршаб олинаётир.

Жумладан Ургут туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигининг «Ғунча» болалар боғчасида бу борада бирмунча ишлар қилинди. Хўжаликда ишлайдиган ёш аёлларнинг 50 нафар кичкинтойлари ана шу боғчада тарбияланаётир. Уларга малакали тарбиячилар, ошпазлар хизмат қилишаётир.

Суратда: тарбиячи Раъно Маҳманазарова.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

дунёликлар Воқеалар Хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ҚУШНИЛАР РЕЖАСИ

● ПЕТРОПАВЛОВСК. Бу ерда Урал ва Қозоғистон шаҳарлари иттифоқининг II қурултойи бўлиб ўтди.

Бу иттифоқ минтақавий корпорация асосидаги 50 дан зиёд саноат марказларини мустақил иқтисодий таркибда бирлаштирган. Бу иттифоқнинг яқин келгусидаги режалари ҳамкорлик корхоналари, ягона банк таркибини яратиш, божхоналар ва лицензия тўсиқларини чеклашдан иборат.

ПРЕЗИДЕНТ, АКАДЕМИК ВА ДОКТОР

● АШГАБАТ. Туркман пресс агентлиги хабар беришига кўра Туркманистон Фанлар академияси илмий кенгаши Сапармурод Ниёзовни Туркманистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайлади.

Олимлар С. А. Ниёзовнинг мамлакат мустақиллигини ўрнатиш ва иқтисодиётини ривожлантириш ишига қўшган катта хизматини таъкидладилар. Унинг ташаббусига кўра Туркманистонда Конституция қўшни мамлакатларга нисбатан биринчилардан бўлиб яратилди.

Илмий кенгаш, шунингдек, туркманбошига сиёсат ва иқтисод фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилди ва буни Туркманистон ВАКидан тасдиқлаб беришни сўради.

Шуни айтиш лозимки, Туркманистон Фанлар академиясининг илмий кенгаши яқиндагина ташкил этилган ва унинг раиси этиб президентнинг ўзи сайланган. Айтгандек, шу қарорга у Туркманистон фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Президент С. А. Ниёзов номидаги Туркманистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлган.

ҚИЗИЛСУ ДАРЁСИДА КЎПРИК БЎЛАДИ

● ЎШ. Помир йўл қурилиши трестининг бунёдкорлари Ўзбекистон ва Грузия мутахассислари билан ҳамкорликда Қизилсу дарёсида кўприк бунёд этишга киришдилар.

«Иркештам» чегара заставасидан Улучат қишлоғигача 45 километрли йўл участкаси бунёд этилади... Бу сўзлар Қирғизистоннинг Қизилсу автоном вилояти ва Хитойнинг Шин-жонг автоном тумани ҳамда Ўш вилояти ўртасида тузилган савдо-иқтисодий ва техника ҳамкорлиги шартномасидан олинган. Ҳозир қурилиш майдонида бунёдкорлик ишлари қизитиб юборилди. Помирлик қурувчиларнинг дастлабки гуруҳи Хитой томонига ўтиб иш бошлагандан кейин қирғиз қурувчилари гуруҳи ҳам улар сафига қўшилди. Бунёдкорлар дастлабки беш километр масофада тупроқ ишларини бажаришди. Бу янги йўл битказилгач, Хитойга ўтиладиган масофа кескин қисқаради.

ПУЛ ҲАЖМИ КАТТА

● АЛМАТИ. Қозоғистонда шу йилнинг биринчи ярим йиллигида нақд пул ҳажми 125 миллиард рублдан ошиб кетган.

Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 марта кўп демакдир.

ЕВРОПАГА ДАРЧА ОЧИЛДИ

● АЛМАТИ. Қозоқ авиаторлари Европага дарча очмоқдалар.

Вена ва Алмати оралиғида қатновчи ҳаво йўли очилиши тўғрисида шартнома тайёрланган. Бундан ташқари Қозоғистон пўлат қанотли қушларининг Тел-Авив ва Деҳли шаҳарларига ҳам парвоз этиши мамлакат халқаро алоқасини яхшилашга хизмат қилади.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАР

● ХЎЖАНД. Тожикистоннинг Хўжанд ва Хитойнинг Деньшоу шаҳарлари биродарлашди.

Хўжанд шаҳар ижроия комитети раиси ва Деньшоу вилоят кенгаши раиси жаҳон биродарлашган шаҳарлар шартномасининг ҳартиясига биноан бу ҳужжатни имзоладилар.

ТУРКМАН ПАХТАСИДАН ҲАМКОРЛИК КАЛАВАСИ

● АШГАБАТ. Мари вилоятининг Туркмангали туманида 1994 йилда тола тайёрловчи фабрика ишга туширилади.

Унинг бир йиллик қуввати 11 минг тоннадан иборат. Бу ишларни Туркманистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги билан шартномани имзолаган Туркиянинг «Эльжинг гроуп» фирмаси олиб бормоқда.

СЕЙСМИК СТАНЦИЯ

● АШГАБАТ. Туркманистон пойтахти яқинидаги Вановский қишлоғида замонавий сейсмик станция қурилади.

Америкининг «АРИС» корпорацияси ва Туркманистон Фанлар академиясининг сейсмология институти бу ҳақда шартнома имзоладилар. Америка томони молиявий маблағи ва куч-ғайрати эвазига қуриладиган бу станция Ер бойликларини ўрганиш бўйича жаҳон сейсмологиясининг рақамли тармоғига киради.

Биргина ана шу қишлоқда ўрнатиладиган ускуналарнинг қиймати АҚШ долларида 1 миллион доллардан ошади. Бу маблағ АҚШнинг 70 муассасаси ва университетлари ташкил этган ер ости жараёнларни ўрганиш махсус фондидан олинади.

ШАХСИЙ ВАЛЮТА АЛМАШУВИ

● БИШКЕК. Қирғизистон Республикаси Марказий банки хорижий валюта пулларини алмашув хусусий бўлимларини очиш тўғрисида ижозат ҳақидаги қарорни қабул қилди.

Бу бўлимларга аъзолик бадали 5 минг сом (расмий мезони: 1 сом — 200 рубль, 1 доллар — 7 сом) этиб белгиланган.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

дунёликлар Воқеалар Хабарлар

• *Бир шикоят изидан*

ДАВЛАТ ТИЛИДА ГАПИРГАНИ УЧУН...

Воқеа Сирдарё ГРЭСини ёнғиндан ҳимоя қилаётган 3-ўт ўчириш бўлимида содир бўлган. «1991 йилнинг 10 декабрь куни эрталаб навбатчиликни қабул қилиб олаётган эдим, — деб ёзади шу бўлинмада радиотелефонист бўлиб ишлаган Иброҳим Турдалиев, — шу пайт қўнғироқ бўлди. Телефондаги аёл бошлиғимиз Рифат Каримовни сўради. Мен ҳозир бошлиқ йўқлигини, иши зарур бўлса кейинроқ 4-43 рақамли телефонга қўнғироқ қилиши мумкинлигини айтдим. Ўзбек тилида жавоб қилгандим, аёл индамай трубкани қўйиб қўйди, кимлигини айтмади ҳам.

Сўнг кундузги соат уч яримда Р. Каримов телефон орқали мени хонасига чақирди.

— Мени сўрашган экан, нега айтмадинг?! — деди.

— Телефон рақамларингизни бердим, сизга қўнғироқ қилгандир деб ўйладим, чунки у киши ҳеч нарса демай трубкани қўйиб қўйди.

— Нега телефонда ўзбекча жавоб берасан?! — ўшқирди яна Каримов.

— Наҳотки ўзбекча гапириш мумкин бўлмаса? — ҳайрон бўлдим мен.

Каримов шу қадар қизишиб кетган эдики, менинг гапларимга қулоқ солмади, устига-устак турли оғир ботадиган гапларни қаторлаштириб ташлади. «Бугундан бошлаб сен ишдан озодсан, 12-куни келасан», дедию, мени хонасидан чиқариб юборди.

Ҳақиқатан ҳам, бўлинма бошлиғи Рифат Каримов уни шу куниёқ вазифасидан четлаштирди ва янаги навбатчиликка келганида иш жойига қўймасликни тайинлади.

Орадан икки кун ўтгач эса ташкилотнинг вилоятдаги раҳбари номига қуйидаги мазмунда ҳужжат тайёр бўлди.

«Сизнинг эътиборингизга шу нарсани маълум қилманки, — деб ёзади 3-қисм бошлиғи Р. Каримов, — 12 декабрь куни қисмда умумий йиғилиш бўлди. Унда йилнинг иш якунлари билан бирга радиотелефонист И. Турдалиевнинг меҳнат интизомига оид масала кўриб чиқилди».

Бошлиқ Иброҳим Турдалиевнинг иш фаолияти мобайнидаги йўл қўйган камчиликларини санаб чиқади ҳамда улар асосида қуйидаги тақдимномани тайёрлайди. Турдалиев Иброҳим иш фаолияти давомида ўзини салбий томондан кўрсатди: сабабсиз равишда ишга бир неча бор кечикиб келди, навбатчилик пайтида қисмни ташлаб кетиш ҳолларига йўл қўйди, хизмат вақтида Устав қоидалари, ички тартибни бузди. Раҳбарлар билан айтишади, уларнинг топшириқларини бажаришдан бош тортди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб И. Турдалиевни ички ишлар органларидан «Меҳнат интизомини бузганлиги учун» банди билан ишдан бўшатиш мақсадга мувофиқдир».

Вилоятдаги идорада ҳам Каримовнинг сўзини икки қилишмади. 1991 йилнинг 20 декабридан эътиборан И. Турдалиевни ишдан бўшатишди.

Остонада янги йил турган эди. Ҳамма байрам кайфияти билан яшамоқда, унга тайёргарлик кўрмоқда. Лекин Иброҳимнинг уйида эса ўта тушкин кайфият. Ахир жўжабирдай жон, қари она, касал хотин — бари унинг қўлига қарашган, оила ночор аҳволда. Бундай шароитда ишсиз қолган оила бошлиғининг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас.

Гапнинг рости, Турдалиевнинг бўлиб ўтган воқеаларга ишонгиси келмасди. Наҳотки арзимас баҳоналарни рўкач қилиб кишини ишдан бўшатаверсалар? Ахир адолат, инсонийлик деган нарсалар қаёқда қолди? Йўқ, бу — англашилмовчилик, дерди йигит ўзигаўзи. Каримов-ку унга азалдан тишини қайраб юрарди, лекин ташкилот, қисм деганни биргина ундан иборат эмас-ку. Каримов билмаса юқоридагилар унинг аҳволини тушунар, адолат қилишар...

Ана шу фикрга келиб, ўзига тасалли берди. Сўнг зўр-базўр байрам кунларини ўтказдию, кейин 3-январь куниёқ тушунтириш хати билан вилоят ўт ўчириш бўлимининг бошлиғи Нарзулла Ҳабибов ҳузурига борди.

Ҳабибов эса у билан унча рўйхуш бермай гаплашди, кейин йигитнинг мендан кўнгли қолмасин деган мазмунда аризасининг бурчагига: «Ўртоқлик судида кўриб чиқилсин» дея имзо қўйиб берди.

Ана энди ўртоқлик судининг ишини кўринг. Протоколда кўрсатилишича, жами 45 кишилик бўлинмадан йиғилишда 24 киши қатнашди, яъни сабаблисабабсиз 21 киши қатнашмади. Каримовнинг ўзи йиғилишга раислик қилди. Ҳайъатда, шунингдек, бошлиқ муовини Н. Зикриёев билан ўртоқлик судининг раиси А. Холбеков унинг ёнидан жой олдилар. Каримовнинг тафсилий сўзи эшитилгач, бор-йўғи икки киши сўзга чиқди, яъни Д. Ўрозалиева ташкилот раҳбарини қўллаб-қувватлаб чиқди, шофёр У. Жиянов эса Турдалиевга хулқини тузатиб олишга муҳлат берайлик ҳозирча ишлайверсин деди. Лекин бу гап Каримовга ёқмади. Шу билан муҳокама тугади ва Турдалиевга рад жавоби берилди.

Начора, йигитга бу воқеа янада оғир ботди, ўксик қалб баттар чўкди. Шундан сўнг у вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи А. Отахўжаевга мурожаат қилишга аҳд қилди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмай иложимиз йўқ. Бошига оғир ташвиш тушганидан сўнг Турдалиев кўп жойларга ёрдам сўраб хат ва аризалар ёзмоқда, масалани ўрганиш пайтида уларнинг кўпчилиги билан танишишга тўғри келди. Лекин улар орасида вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Абдулла Отахўжаевга жўнатилган хатчалик самимият, нажот билан ёзилган мактуб йўқ. Атиги икки ярим бетлик бу арзномада бўлиб ўтган воқеалар рўй-рост, бутун тафсилоти билан баён қилиб берилган эди. Ички ишлар бўлимининг оддий фуқароси ўз бошлиғига шу қадар ишонгани ва суяниши кишини тўлқинлантиради. Лекин афсуски, ана шундай ҳаяжонли мактуб ҳам катта раҳбар юрагига етиб бормади. Беихтиёр ўйланиб қоласан: ё бошқарма бошлиқлари ҳамон давлат тилида битилган номаларни ўқий олмайдилар, ёки ўқиган тақдирларида ҳам уни ҳис этмайдилар.

Энди масалага қайтайлик. Ўртоқ Абдулла Отахўжаевга ёзилган ана шу мактуб ҳам ёнғиндан сақлаш бўлими, бу сафар бўлим бошлиғининг муовини Александр Петрович Лютиковга (у киши ҳозир Россияга жўнаб кетганлар) топширилди.

Лютиков 30 январь куни қисмда йиғилиш ўтказди. Унинг олдингилардан фарқи шу бўлдики, мажлис ҳайъати Каримовнинг ҳамфикри билан янада мустаҳкамлади ва Турдалиевни ёмонлаб чиққанлар кўпроқ бўлди. Лекин овоз беришга келганда ғалати ҳол рўй берди. Биринчи бор бу масала муҳокама қилинганда Турдалиевни ишдан четлатишга келганда атиги бир киши бетараф қолишга журъат этган эди. холос. Бу сафар эса Каримов фикрини ёқлаб 8 киши овоз берди, 5 киши эса бетараф қолди. Лекин ана шу нозик вазият ҳам масъул ўртоқларни ҳушёрликка чақирмади. Йиғилиш аҳлидан кимдир туриб Турдалиевнинг ёнини олганда Каримов лўнда қилиб: «Мен у билан ишлай олмайман — вассалом!» деди.

Шу билан вилоят ички ишлар бошқармаси, унинг ёнғиндан сақлаш бўлими раҳбарлари нигоҳида Турдалиев масаласига узил-кесил чек қўйилди ва бир эмас — иккита папкадан иборат «Иш»га сўнгги муҳр босилди. Шундан кейин йигит қаерга ёзмасин, кимга ёрдам сўраб мурожаат этмасин — барча номаларга ана шу папкадаги ҳужжатларга асосланиб жавоб қилинмоқда. Масаланинг туб моҳияти билан эса ҳалига қадар ҳеч ким астойдил қизиқаётгани йўқ.

Хўш, Турдалиевнинг айблари нималардан иборат экан? Мана, ўша папкалардан баъзи кўчирмалар:

«1989 йил 12 август, сабабсиз ишга келмаган». (Турдалиевнинг тушунтириш хатида ёзишича, Ҳўжанд шаҳрига тарвуз олиб боришаётганида йўлда машина бузилиб, иш жойига вақтида улгурмаган). «1989 йил 19 ноябрь, тушликка шаҳарга кетиб, 20 минут кечиккан».

«1990 йил 12 февраль, навбатчилик пайтида ёнбошлаб ётган».

«1990 йил 20 февраль, тунги текширув пайтида хизмат формаси кийиш тартибини бузгани қайд этилган».

«1990 йил 12 декабрь ишга 3 минут кечикиб келган».

«1991 йил 3 январь, шахсий таркиб билан бирга ГРЭСга инструктажга бормаган». (Тушунтириш беришича, ҳамма бир сафда бориши зарурлигини билмаган, кейин ўзи бормоқчи бўлган).

Салкам тўрт йиллик иш фаолияти давомида йўл қўйган ва қора папкага ёзилган, охири «Меҳнат интизомини бузувчи»га чиққан асосий айблари ана шулардан иборат.

Энди бу ўринда нима ҳам дейиш мумкин? Прогул қилиш, ишга кечикиш, телефонда ўтирган навбатчи формасини бузиш — буларнинг барчаси тартиб бузишга, интизомсизликка киради албатта. Уларни оқлаш мумкин эмас.

Иккинчи томондан буларнинг бари ҳудди тирноқ остидан кир излашга ўхшаб кўринмайдими? Майли, булар энди ана шу ҳужжатларни расмийлаштирган ҳамда улардан ўирик хулосалар чиқараётган ўртоқларнинг виждонларига ҳавола. Бизларни бошқа бир нарса таажжубга солмоқда.

Биз билан бўлган суҳбатларда капитан Каримов ҳам, вилоят ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлимининг бошлиғи Нарзулла Ҳабибов ҳам Турдалиев давлат тилида гапиргани учун эмас, меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатилди, дея алоҳида таъкидлашди. Ҳақиқатан ҳам, ҳужжатлар ана шу айбномага мослаб расмийлаштирилган.

Лекин шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. У ҳолда нега Турдалиев масаласи телефонда ўзини таништирмаган аёлга ўзбекча жавоб берганидан сўнг, яъни 10 декабрь куни 1991 йил кўтарилди. Каримов уни ишдан бўшатиш ҳақида айнан шу куни фармойиш берди-ку? Ваҳолонки, уни меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатмоқчи бўлсалар, бундан анча илгари, яъни 1989 йил 15 августда ишга келмаганида ёки меҳнат интизомини бузган бошқа пайтларида шу йўлни тутсалар, мантиққа тўғри келмасмиди?

Касални яширсанг — иситмаси ошкор қилади, деганлари шу бўлса керакда. Каримов ўз хатти-ҳаракатларини ҳар қанча ниқобламасин, унинг асил муддаоси шундоққина юз кўрсатиб турибди.

Энди Турдалиев «иши» жамланган папкадаги яна иккита ҳужжат ҳақида. Тўғриси, уларга тасодифан кўзимиз тушиб қолди, Нарзулла Мазбутовичнинг эса негадир бу қоғозларни бизга кўрсатгиси келмади.

«И. Турдалиев Ширин шаҳар ички ишлар бўлимининг идорадан ташқари қўриқлаш бўлимида 1988 йилнинг май ойидан буён ишлаб келмоқда. Иш фаолияти мобайнида у ўзини интизомли ходим сифатида намоён қилди. Қўриқчи вазифасини пухта эгаллади, хизматни ҳушёр ўтади. Хизмат пайтида ишдагилар билан яхши муносабатда бўлади, атрофдагиларга ғамхўр ва меҳрибон. Милиция лейтенанти А. Абдиев, касаба уюшмаси раиси Э. Ўринбоев».

«Турдалиевнинг қўшнилари билан суҳбатлашиш жараёнида шу нарсалар маълум бўлдики, у атрофдагилар билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатган, қўшнилари унинг қаёт тарзини ижобий баҳолашмоқда, оиласи билан аҳил яшайди.

Ховос райони ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари майор А. Айдаров».

«Бундай қоғозлар ёзилаверадида...» деб қўйди Нарзулла Мазбутович уларни истар-истамас кўрсатар экан. Наҳотки? Демак қоғозлар, ҳужжатлар инсоннинг чин қиёфаси, адолат нуқтаи назаридан эмас, балки зарурат, кайфият ва ҳусумат нуқтаи назаридан тўғриланар экан-да?

Мана деярли икки йилдирки, катта бир оила бошлиғи, куюнчак инсон хизмат пайтида эрки тутиб ўз тилида, мустақил давлат тилида гапиргани учун бошлиқнинг жиғига тегиб, энди сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Уни кўкрагидан итариб зўрлик билан кўчага чиқариб қўйганларнинг эса ошиғи олчи, ҳеч ким уларга тил текиза олмаётир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Иброҳим Турдалиев масаласи Сирдарё вилояти ўт ўчириш бўлимида ҳам, вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам ўз ечимини топа олмаётир. Турдалиев эса ўзига ёпиштирилган адолатсиз тамғадан қутилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш мақсадида турли ташкилот ва идораларга нажот сўраб мурожаат қилишда давом этмоқда. Хўш, бундай ҳол қачонгача чўзилиши мумкин?

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 22-поликлиникада кундузги шифохона очилди. Бу ерда иқтисодий қийинчиликларга қарамай бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Беморларга намунали хизмат кўрсатиш, уларга аниқ ташхис қўйиш бўйича муайян ишлар қилинаётир. Бу албатта беморларга қулайлик туғдирмоқда. Улар кундузи муолажаларини олиб, кечқурун уйларига кетишмоқда.

Суратда: кундузги шифохона мудири Фароғат РАШИДОВА.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

ТУҒМА МАСЪУЛ КОТИБ

Аъзам Айюб тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган улкан журналист, ёзувчи, ўткир газетчи эди. У ҳақдаги маълумот ва далилларни ўрганиб бўлгач, унинг авлод-аждодларини аниқлаш пайига тушдим. Иттифоқо таниқли ёзувчи ва кекса журналист Мумтоз Муҳаммад ўғли билан учрашдим. Аъзам Айюб ҳақида, унинг қариндош-уруғлари, оиласи хусусида сўрадим.

— Мен Аъзам Аюбни яхши биламан. Айтиш жоиз бўлса, бу табаррук зот журналистика соҳасида менга биринчи устозлардан бўлади. У ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси билан туғилди ва шу ерда эълон қилинган асарлари учун қурбон бўлди. У 16 ёшидаёқ танилиб қолган эди. 1920 йилнинг бошлари бўлса керак, «Иштирокиюн» газетасида корректорлик қилар ва турли мавзуларда хабар, мақолалар битарди. Бу даврда биз ёш бўлсакда, Аъзам Аюбов, Санжар Сиддиқ, Комилжон Алимов, Мўминжон Усмонов, Қосим Сорокин каби туғма журналистларнинг мазмундор мақола ва публицистикаларини ўқиб, уларга ҳавас кўзи билан қарардик...

Аъзам аканинг умр йўлдоши Сожидахон Носирова ҳозир ҳаёт.

— 1926 йил эди. — сўзлай кетди у.— Рабфакда ўқир эдим: Нариманов техникуми қошида газета ходимлари — амалий журналистлар тайёрловчи курс бўларди. Шу курсга мен стенограммани ўрганиш бўйича қатнашар эдим. Бу ерда Аъзам ака ҳам дарс берарканлар. Ёзувчи Ойбек билан ётоқхонада бирга туришаркан. Мен опам билан қўшни хонада яшардик. Шундай қилиб, у киши билан дўстлигимиз оила қуриш билан якун топган. 1927 йилнинг февралида ҳозирги Мустақиллик майдонининг қоқ ўртасида, Анҳорга яқин жойда Аъзам акамлар ҳовлиси «Раис» кўчасида тўйимиз бўлиб, тўйни шоир Ойбек бошқардилар. Аъзам акам кўркам, ўрта бўйли, оқ юзли, юмшоқ табиат, самимий инсон бўлиб, сира тиниб-тинчимас заҳматкаш эдилар. «Иштирокиюн»да иш бошлаб, «Қизил Ўзбекистон»дан чиқиб кетган, аниқроғи шу ерда ҳаёт билан хайрлашгандилар. У киши «Туркистон» газетасида 1925 йилдан масъул котиб бўлиб ишлаган. «Ер юзи» журналида муҳаррир ва муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлаб юрган кезларида ҳам «Қизил Ўзбекистон»га масъул котиблик қилардилар.

У киши редакциядан тонготарга яқин келиб, икки-уч соатгина мизғиб олгач, яна ишхонага жўнаб кетардилар. Бозор кунлари Наим Саид, Санжар Сиддиқлар билан бизникида таржима ишлари билан банд бўлардилар. Оналари Сиддиқа буви Аъзам акамлар билан бир оз бўлса-да, суҳбатлашишга илҳақ бўлар, бироқ бўш вақтларини топа олмасдилар. 1942 йили ўғиллари доғида оламдан ўтиб кетдилар.

Сира эсимдан чиқмайди: Аъзам акам менга: «Э хотинжон, эшитганмисиз, савдогарга эссиз хотин, қўйчивонга бутун хотин» деган нақлни. Мен муҳаррир сифатида «газетчига эсиз хотин», демоқчиман, деб ҳазиллашардилар. Кўп китоб ўқир, четга чиқиб материаллар тўплаб, мақолалар ёзардилар, таржима билан шуғулланардилар. Бир нарса ҳамон ёдимда: 30-йилларнинг ўрталари эди Аъзам акам Гольдоннинг «Слуга двух господ» ҳамда Славиннинг «Интервенция» деган рус тилида чиққан асарларини кўтариб келдилар-да, буларни Ҳамза театри учун ўзбек тилига ағдаришим керак экан, Маданият бошқармаси топширди, дедилар. Шушу бўлдию, бу икки катта асарни бир ярим ой ичида ўгириб ташладилар. Мана шу давр у киши ижодида қаттиқ изланиш бўлган эди. Тез орада ҳар икки асар ҳам Ҳамза театрида Зиё Саид раҳбарлигида саҳналаштирилди. Аъзам акам «Сожидахон, ҳаётда шундай яшангки, ўтдай қайнанг. Журналист шундай бўлиши керак. Акс ҳолда яшашдан мақсад недир? Келажакда ёш авлодга ёдгорлик қолдирмаган зиёлини беҳуда эсган шамолга ўхшатаман», дердилар.

Аъзам ака қаламига мансуб икки юздан ортиқ хабар, лавҳа, публицистик мақолалар, элликдан ортиқ ҳикоя ва фельетон ҳамда очерклар бор. Агар буларни жамласангиз икки жилдлик сайланма бўлади...

— Сожида опа, Аъзам акани қай ҳолатда қамоққа олишганини эслайсизми, бу ҳодиса қандай кечган?

— Аъзам ака ўта пок ва тўғри инсон, бировдан тап тортмайдиган, бор ҳақиқатни тик туриб айта оладиган ориятли киши эди. Аъзам акамнинг яқин дўстлари буюк таржимонлар — Наим Саид, Санжар Сиддиқ, Боту, Насриддин Ҳўжаев ҳамда менинг акам Асат Носировлар Москвада бирга ўқишган. Булар бирин-кетин қамоққа олина бошландилар. Аъзам акамни эса ҳеч бир сабабсиз ишдан бўшатиб юборишди. Бир ойга яқин бекор юрди. Редакцияга ҳам борғизишмади. Бундай аҳволга энг биринчи Аъзам акам, сўнг Асат акам тоқат қилиша олмадилар. Биз Қибрайда — дала-ҳовлида, аниқроғи отам жойига бориб тура бошладик. Отам куёвини шаҳарга бормай, ўша ғаламислар кўзига кўринмай юришни шу ерда деҳқончилик қилиб туришни маслаҳат бердилар. Аммо бу киши рози бўлмадилар...

25 август куни эди. Биз дала-ҳовлидан келдик. Қўшнимиз икки кундан бери уйимизга икки-уч киши келиб, бизни суриштиришаётганини айтди. Аъзам акам оловланди. Ўйлаб туриб, тўсатдан ўрнидан сапчиб турди. Уйнинг у ёғидан бу ёғига юрди. Нима мен, ўғриманми, одам ўлдирибманми, бировни ҳақоратлабманми? Не учун мени гуноҳсиз ишдан бўшатишиб, боз устига яна қидиришади? деган саволларни ўзига ўзи бериб бўғиларди.

Суяги газетачиликда қотган, атоқли журналист, матбуотимиз тарихида «туғма масъул котиб», деган номни пок сақлаган ва бу мўътабар соҳани қадрига етган Аъзам Айюб аллома сифатида муҳрланди. У оддий корректор, газета ташувчи каби машаққатли юмушлар қаъридан пишиб чиққан, газетанинг миридан-сиригача аъло биладиган, техник жиҳатларини, материаллар савиясини илмий ва методик жиҳатдан мухтасар қила олувчи талант соҳиби эди. Аъзам ака газета андозаси — макетини дид билан туза олган, ҳар бир материал сарлавҳаси устида мукаммал бош қотириб, унга таъсирли номлар қўя олиш қобилияти бор бўлган журналистгина масъул котиб бўла олади, деб тушунарди ва бунга ўзи амал қиларди. У газетанинг масъул котибини бутун таҳририятнинг юраги деб тушунар эди. Шу сабабдан ҳам масъул котиб материалларни саводхонлик билан ўткир таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлган талант, бўлимлар, журналист ходимлар билан ўта маданий муносабатда бўла олувчи раҳбар, жамоатчи журналистлар дидини яхши идрок этувчи психолог, энг муҳими, газетанинг ҳар бир сони савиясини юксак тарзда белгиловчи қалб эгаси бўлмоғи кераклигини таъкидларди.

Аъзам Айюб муҳбир сифатида жойларга бориб материаллар олиб, мақолалар ёзишни меъёрига етказса, бўлим ходими сифатида долзарб мавзулар юзасидан мақолаларга буюртма бериб, муаллифларга ёздирар, келган хат ва хабарларни зеҳн билан қайта ишлар, масъул котиб сифатида газетага гўзаллик бағишларди. У «Ер юзи» ва унинг давомчилари «Машъала» ва «Гулистон» журналлари ҳамда «Камбағал деҳқон» газетасини ташкил этиш ва улар ишини тўғри йўлга солишда жонкуяр раҳбарлардан бири бўлган эди. Ҳатто «Гулистон» журналини маълум муддат бошқарди ҳам.

Атоқли журналистнинг бой ижодиётига назар ташлар эканмиз, унинг қаламига мансуб бўлган сон-саноқсиз мақола, ҳикоя, очерк, публицистик асарлар ўша даврнинг «Туркистон» — «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» каби газеталари ҳамда «Ер юзи», «Машъала», «Гулистон», «Аланга» каби журналларида кетма-кет чоп этилиб турганлигининг шоҳиди бўламиз.

Аъзам Айюбнинг юрак қўри билан битилган юзлаб мақола ва бадиий ижод намуналари яшаган даврининг қайноқ нафаси билан йўғрилган асарлар эди. Унинг «Чатоқ муаммо», «Бўйдоқлар», «Ҳандақлар», «Сўлак», «Девпечак», «Раҳна», «Орзу», «Давон ошиқ», «Фарғонанинг қувончи», «Ғойибона ишқ ва гўшанга», «Хатланган турмуш» сингари юздан ортиқ мақола, ҳикоя, фельетон ва публицистик мақолалари бадиий-ғоявий етук асарлардир. Унинг «Ўзгаришчи ёшлар». журналида эълон қилинган «Элга иймон талқин қилиш керак», «Ер юзи»да босилган «Ўлуклар», «Рашиднинг қайғуси», «Биз айрим дунё эмасмиз» каби ҳикоя, ҳажвиялари маданий хазинамиз учун катта бойлик ҳисобланади. Аъзам Айюб таниқли луғатчи сифатида Наим Саид билан ҳамкорликда 1934 йили «Русча — ўзбекча луғат» чоп эттирди, атоқли таржимон Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» номли рисоласига илмий ва амалий жиҳатдан пухта сўзбоши ёзди.

Биз жаҳон адабиётининг дарғаларидан Л. Толстойнинг «Кавказ асири», К. Гольдоннинг «Меҳмонхона бекаси», Р. Тагор, А. Барбюс, Сервантес кабиларнинг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ағдариб, бу асарлар руҳи билан халқимизни биринчи бор таништирган атоқли таржимон, ёзувчи, маҳоратли журналист, «Ўзбекистон овози»нинг пойдеворига тош қўйганлардан бири — Аъзам аканинг номларини ҳамиша меҳр билан тилга оламиз!

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
республика Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

• *Тадбиркорлар бор бўлсин*

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

БУ ҲАҚДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДАГИ ЙИҒИЛИШДА АЙТИЛГАНДИ

Ҳовлига кириб борганимизда бу ердаги манзарани кўриб ҳайрон бўлдик. Ҳамма ёқда сомон, ҳашак... Демак, бирон фермага келиб қолибмиз-да, деб тургандик, ичкаридан уй эгаси кўринди.

— Келинглар, меҳмонлар, — деди у саломлашганимиздан сўнг. — Тартибсизликни кўриб ҳайрон қолгандирсизлар. Куни кеча ғалла ўримини тугатдик. Ҳамма сомонни ташиб келтирдик. Донни эса омборга жойладик. Бу ёғини ҳам тез кунда саранжомлаб оламиз...

Суҳбатдан маълум бўлдики, уй эгаси Ҳасан ака Бўтаев кўп йиллар мобайнида кишлоқ мактабида ёшларга таълим берибди. Ўтган йили нафақага чиққач, тинч ўтиролмабди. Фермерлик қилишга қарор берибди.

Ҳасан ака аввал ўзининг қорамолларини кўпайтирди. Улар, асосан, соғиладиган сигирлар. Ҳозир моллар сони 20 бошга етди. Ҳаммаси зотдор. Шуниси қувончлики, Ҳасан ака хўжалик билан тузган шартнома мажбуриятларини муттасил бажариб келяпти. Бу йил хўжаликка 24 тонна сут топшириши керак. Ҳозиргача фермер 15 тоннадан зиёд серқаймоқ маҳсулотни хўжаликка сотди. 3,5 тонна гўшт топшириши керак эди. 1,5 тонна маҳсулотни етказиб берди. Йил охиригача мажбуриятини бажариши турган гап. Бундан ташқари, фермер қишлоқ мактабига ҳам сут етказиб бераётир.

Хўжалик ҳам шартнома мажбуриятларини аниқ бажармоқда. Зеро, қарс икки қўлдан деганларидек, хўжалик фермерга ҳар томонлама кўмаклашаётир. Яқинда ферма қурилишига ёрдам берилди. Замонавий молхона бунёд этилганидан Ҳасан ака беҳад шод. 15 гектар экин майдонидан мўл ҳосил кўтарди. Ҳар гектар лалми ердан 13 центнердан ғалла ва анчагина сомон йиғиштириб олинди. Ҳосилни йиғиштиришда хўжалик механизаторлари ёрдам беришди. Яқинда хўжалик раҳбарлари фермерга юк машинаси ҳам ажратмоқчи...

Умуман, Бахмал тумани даги «Боғишамол» жамоа ширкат хўжалигида кейинги йилларда тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Ҳозирча бу ерда олтита фермер хўжалиги бор. Улар ҳам ўзларига, ҳам хўжаликка катта фойда келтирмоқдалар. Айниқса, Нажмиддин Алмуродов, Очилбой Тошматов сингари фермерлар мўл маҳсулот етиштириб, шартнома мажбуриятларини тўла бажаришаётир.

— Кейинги пайтларда тақдиримиз ўз қўлимизда эканлигини ҳис этдик, — дейди хўжалик раҳбари Умарали Қаюмов. — Юқориташкилотлар ёрдам беришга кўз тикиб ўтирадиган бўлсак, халқимизнинг турмушини яхшилашга эриша олмасдик. Кўпгина тадбирлар амалга оширилгани туфайли ҳозирги пайтда давлатдан ҳеч қандай қарз олмай ишлаяпмиз. Хўжалигимизнинг иқтисодий аҳволини кўтариш натижасида деҳқонларнинг моддий ва маиший шароитлари яхшиланиб қолди.

Бунинг боиси бор, албатта. Аввало ҳамма соҳада тадбиркорликка кенг йўл очилди. Кичик корхоналар кўпайди. Фермерлик ҳаракати авж олдириляпти. Чунончи, хўжалик сут-товар фермаси ҳам хусусийлаштирилди. 217 бош қорамол 2 жамоага бўлиб берилди. Шундан сўнг одамлар ҳақиқий хўжайинлик туйғусини ҳис қила бошлашди. Ферма хусусийлашгач, ҳеч ким ем-хашакни ҳам, тайёр маҳсулотни ҳам ўғирламайдиган бўлди. Демак, фойда кўпайди.

Айни пайтда 574 гектар ердаги токзорда, 123 гектарлик боғда, 30 гектарли майдонда сабзавот ҳосилини йиғиштириш авжида.

— Қишлоқ — миллий даромаднинг энг муҳим манбаи, — деди республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ ўн учинчи сессиясидаги «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» мавзуидаги нутқида. — Аммо энг муҳими, қишлоқ — иқтисодий ва ижтимоий турмушдаги, натижада, сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, у орқали бутун республика фаровонлик ва тўкинликка эришади. ...агарки, деҳқон бой-бадавлат бўлмаса, ҳеч қандай давлат бой бўла олмайди.

Бинобарин, ердан олинаётган ҳосил деҳқоннинг ўзига тегишли бўлиб, у маҳсулотнинг ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис этгандагина ўзини ернинг ҳақиқий хўжайини, деб ҳисоблайди.

Шу боис, хўжаликда ишлаб чиқаришнинг янги-янги соҳаларига қўл урилмоқда. Маълумки, Бахмалнинг юмшоқ иқлим шароити голландияликларга ҳам маъқул тушди. Улар кўкламда хўжаликнинг, тупроқ-иқлим шароитини текшириб кўриб, бу ерда мўл картошка етиштирса бўлади, деган хулосага келишди.

Шу йилнинг ўзидаёқ ишга киришилди. 30 гектар ерга Голландия технологияси асосида картошка экилди. Нурали Юнусов етакчилигидаги бригада картошкани меҳр билан парваришлаётир. Яқин келажакда бу ерда 300 гектар майдонда Голландия технологияси асосида картошка ва сабзавот етиштирилади.

Ҳа, айтмоқчи, хўжалик бўйича 1215 гектар лалмикор майдонларда ғалла етиштирилди. Ҳар гектар ердан 11 центнердан ошириб дон ҳосили олинди.

Демак, хўжаликда ишлайдиганларнинг эртанги кунидан умидвор бўлишларига асос бор. Зеро, кўнгли тўқнинг — иши унумли, деганлари рост экан.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Суратда: фермер Ҳасан Бўтаев ўғли Ботир билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

СОҲИБҚИРОННИНГ ҚАЙТИШИ

АМИР ТЕМУР НОМИДАГИ МАЙДОН ВА ҚУЧАДАН РЕПОРТАЖ

Сайди УМИРОВ

Пойтахтимизнинг қоқ маркази — юрагидаги хиёбонга Амир Темур номи берилди. Метронинг «Марказий хиёбон» бекати Амир Темур бекати деб атала бошлади. Хиёбондан бошланадиган саккиз кўча — қон томирларидан бири Амир Темур деб ўзгартирилганига анча бўлди. Ва, ниҳоят, марказий хиёбонинг қоқ марказида бобокалонимизнинг отлиқ ҳайкали қад кўтарди. Кечагина ҳаммамиз ҳайкалнинг тантанали очилиши гувоҳи бўлдик. Президентимиз Ислом Каримовнинг ёркин нутқини, халқ шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Абдулла Ориповларнинг ёниқ шеърларини эшитдик, санъаткорларнинг чиқишларини кўрдик.

Бу ҳурмат-эҳтиром — буюк бобокалонимизнинг руҳи покини шод этиш йўлидаги илк қадамлар, улкан эзознинг бир қисми, ҳомир учидан патир, холос. Ғафлат уйқусидан уйғонган, ўзлигини англай, қадриятларини тиклай бошлаган халқимиз мустақилликка эришган юртимизнинг буюк фарзандига кечиккан садоқатидан бир нишона. Авлодлар узри ва миннатдорлиги рамзи. Юртбошимиз ғояси, ташаббуси, саъй-ҳаракати самараси.

Ва бу табиий, қонуний. Асли аллақачонлар шундай бўлиши керак эди. Фақат эндигина бунга имконият туғилди. Яқинда газетада ёзилди: бир қанча юртларда турли йилларда Амир Темур ҳайкаллари яратилган экан, тилладан, бронзадан, катта, кичик. Уз юртида бунга энди киришиляпти. Узга юртларда соҳибқирон ҳақида кўпгина китоблар чоп этилган экан, ўз юртида энди чинакам ҳаракатга тушиляпти: илк асарлар, тадқиқотлар бунинг гувоҳи.

Ҳеч бўлмагандан кеч бўлса ҳам яхши. Эзгуликнинг кечи йўқ. Пойтахтнинг қоқ марказидаги маскан узоқ йиллар Инқилоб хиёбони деб аталиб келди, сўнг Марказий хиёбонга айланди, энди Амир Темур хиёбони бўлди. Иншоолло, тоабад шундай бўлиб қолсин. Бу — Озодлик хиёбони, Адолат хиёбони. Бир пайтлар бу ерда Фон Кауфман бюсти бўларди, кейин Сталин ҳайкали қад кўтарди, сўнгроқ Маркс ҳайкали.

Кейинги бир-бир ярим ой ичида хиёбонни кўрганлар кичик ерга катта куч ташлангани, кечаю кундуз иш қайнаганини кўриб ҳайрон қолишгандир. Мен ҳам даъфатан кўриб ҳайратга тушганман: қурувчи кўп, техника бисёр, ҳар бири нима биландир банд. Баланддан, вертолётдан қаралганда, қимирлаган зотлар чумолилардай кўрингандир. Беихтиёр хаёлим олти асрлар нариберисига — Оқсарой, Бибихоним мадрасаси, Аҳмад Яссавий мақбараси қурилишларига олиб кетди: «объект»лар, турган гапки, ўта муҳим бўлган, катта куч ташланган, ҳамма жон-жаҳд, шавқ-завқ билан ишлаган. Бир нарса аниқ: ўша замоннинг асосий техникаси от, туя, арава бўлса-да, аждодларимиз пухта, соз, сифатга таъсир қилмайдиган даражада жадал ишлашган, «бўл, ҳа бўл», «мендан кетгунча» дейишмаган. Бунёдкор боболаримизнинг бу хислати-фазилати ҳар қанча таҳсинга лойиқ, ибрат олишга арзигулик.

Ўттиз биринчи август, эрталаб, ҳайкал ижодкорларидан бири Илҳом Жабборов билан бир оз суҳбатлашдик. «Нақадар шарафли, масъулиятли ишга қўл ураётганимизни теран англардик. Бир ойдан ортиқ аввал устахонада, кейин комбинатда оёқда тик туриб ишладик, вақт билан ҳисоблашмадик, уйқу, чарчоқлик ҳисобланмадик, ишимиз ҳеч бўлмаганидек, ҳаётимиз ҳеч бўлмаганидек ишладик. Ҳар бир ишимиз, ҳар бир ҳаракатимиз, ҳар бир ҳисоб

ТАНЛАРИ ХАЛҚ ИЧРА БЎЛСА, ДИЛЛАРИ МАВЛО БИЛАН

ҲАЗРАТ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Баҳоуддин Нақшбанд Балогардон номи билан Ислом оламида машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида 1318 йилда ҳунарманд оиласида дунёга келади. Унинг ота-боболари газламани рангдор гуллар билан безаганлар. Бухорода азалдан бундай касб эгаларини нақшбанд деб аташади. Баҳоуддиннинг ўзи ҳам нақшбандлик ҳунарини умрининг охиригача канда қилмаган. Алишер Навоий асарларининг бирида «Замоннинг ягонаси ҳазрати хожа Баҳоуддин Нақшбанд кимхо нақшни боғламоққа машҳурдирлар» деб бежиз ёзмайди.

Ҳалол меҳнат билан кун кечирган Баҳоуддин илм-фанга ҳавас қилади. Болалигидан араб тилини ўрганади. Етти ёшида Қуръони Каримни тўла ёдлаб олади. Ҳазратнинг падари бузрукворлари Саид Жалолиддин Нақшбанд ва волидаи муҳтарамалари Биби Орифа фарзандларининг ўта қобилиятлилигидан ҳайратга тушадилар. Ўспиринлик чоғида у ҳожа Муҳаммад Бобойи Самотий қўлида тарбия топади. Кейинчалик устоз йўриғи билан Мири Кулолдан тариқат йўлларини ўргана бошлайди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотидан сабоқ олади. Унинг шуҳрати Мовароуннаҳр бўйлаб кенг ёйила бошлайди.

Дастлабки даврда Баҳоуддин ўзини шиа мазҳабининг имомларидан Али Ризо таълимоти давомчиси деб эълон қилади. Бироқ аста-секин бу таълимотни такомилга етказмоқ заруратини дилдан ҳис этади. Шундай бир таълимотни яратмоқчи бўладики, ундан сунний ва шиа мазҳабидаги мусулмонлар баравар фойдалансинлар. Шу йўл билан у икки йирик мазҳаб ўртасидаги низоларга чек қўйиб, мусулмонларни ўзаро келиштириш ниятида эди. Бундай бирликка эришишдан мақсад ўша даврда Чингизхон сулоласининг Мовароуннаҳр, Хуросондаги ҳукмронлигига қарши курашга бутун халқни бирлаштириш, мустамлакачиликка чек қўйиш эди.

Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот Амир Темур учун байроқ бўлди. Темур ўзини ҳазратнинг муридларидан, деб эълон қилди. Ҳатто бир неча йил ҳазратга таҳорат суви бериб, Қасри Орифонда яшади. Аммо ҳазратнинг икки мазҳаб ўртасидаги жанжалларни бартараф қилиш ҳаракати муваффақият қозона олмайди. Шиа руҳонийлари унга қарши чиқиб, она юртини тарк этишга мажбур қиладилар.

Баҳоуддин Эрон, араб мамлакатларининг кўпгина шаҳарларида яшайди, тариқатларни янада чуқур ўрганади, Маккаю Мадинани зиёрат қилади. Унинг бу даврдаги ҳаёти тўғрисида кўпдан-кўп ривоятлар бор. Ҳазрат кўп йиллардан кейин Бухорои Шарифга қайтиб Девонтун қишлоғида ўз қароргоҳини ташкил қилади. Унинг атрофида тўпланган муридлари ҳазратнинг нақшбандия тариқатини кенг тарғиб қила бошлайдилар. Бу даврга келиб Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги барҳам еб, Темур салтанатни қўлга олади. Амир Темур устози ва пирини ғамхўрлик билан қуршаб олади. Баҳоуддин ўз навбатида Темур сиёсатининг ғоявий ҳомийсига айланади. Айниқса, Амир Темур турк султони Боязидхон устидан қозонган ғалабаси нақшбандия тариқатининг барча ислом мамлакатларини қамраб олишига олиб келди.

Бухорода Жўйбор хожалари ўз фаолиятларида нақшбандия тариқатини асос қилиб олдилар. Аҳмад Сирхинди (1564 — 1624) томонидан асосланган нақшбандия мужоҳид оқими Ҳиндистонда вужуда келди. Мавлоно Зиёвуддин Холид ал Бағдодий (1776 — 1827) томонидан асос солинган нақшбандия—холидия оқими Туркия, араб мамлакатлари. Курдистонда кенг ёйилди. Бу даврга келиб Ҳиндистонда тариқатнинг яна бир оқими вужудга келди. Куфа масжидининг имомхатиби Бакир Сулаймон Ҳиндистонга сафар қилиб, бу тариқатнинг сулаймония деб аталган яна бир оқимига асос солади. Шундай қилиб нақшбандия ислом мамлакатлари фуқаролари ўртасида кенг илдиз отиб, унинг тарғиботчилари сафи йил сайин кенгайиб борди. Баҳоуддин илгари сурган ғоя суфизмнинг бошқа тариқатлари қарашларидан тубдан фарқ қилади. Албатта, у ҳам кишиларни бойликка кўп иштиёқманд бўлмасликка даъват этади, уларни тўплаган бойликнинг бир қисмини фақирларга улашишга чақиради. Шу билан бирга ҳазрат кишиларни хайр-эҳсон билан эмас, ўз меҳнатлари билан тирикчилик тебратишга ундайди. Авлиё-анбиёларни улуғлаш билан кун кечиришни қаттиқ қоралайди. Унинг «Дил ба ёру, даст ба кор!», яъни қўлинг меҳнатда, кўнглинг Аллоҳда бўлсин, шиори моҳиятини мана шу ғоя ташкил қилади.

Ҳазрат томонидан битилиб, Баҳоуддин хонақоси пештоқида 50-йиллар охиригача турган лавҳа бу фикрнинг ёрқин далилидир. Унда шундай форсий мисралар бор эди:

«Токай ба зиёрати макобир
Умрат гузарлони эй, фасурда,
Як гурбаи зинда назди ориф
Беҳтар зи ҳазор шери мурда».

Бунинг мазмуни қуйидагича: «Эй, дунё бехабар, қачонгача ўз умрингни мақбараларини зиёрат қилиш билан беҳуда ўтказасан. Донолар олдида битта тирик мушук мингта ўлган шердан афзалдир». Афсуски, чинакам дунёвий таълимотни олға сурган ҳазратнинг таълимотини мутаасиб руҳонийлар кейинчалик ўз қуролларига айлантириб олдилар, унинг номини илоҳийлаштирдилар.

Нақшбандиянинг шимолий Кавказдаги кенг тарқалган мудридизм оқими байроғи остида уюшган Ғози Муҳаммад, Ҳамзат Шамил каби имомлар эрксевар тоғли халқларни рус мустамлакачилигига қарши миллий-озодлик ҳаракатларига кўтардилар. Шўролар ҳудди шундай ҳаракат Марказий Осиёда аланга олишидан қўрқардилар, шунинг учун Баҳоуддин мақбараси узоқ йиллар зиёрат учун тақиқланди, бу ерда бўлиб ўтадиган халқ сайлларига барҳам берилди. Мустақиллигимиз туфайлигина Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти яна халқимизга қайтарилди!

Нарзулло ИЎЛДОШЕВ,
Бухоро давлат дорилфунуни Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди.



Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасининг умумий кўриниши.

БАҲОУДДИН

Мусулмонлар элида нури Исломнинг чироғбони,
Етук бир пири комилсиз, тасаввуфнинг билимдони,
Тариқи нақшбандийнинг салоҳиятли султони,
Мурувват аҳли, тақводор, каромат наҳри уммони,
Табаррук юрт улуғ фарзандисиз ҳазрат Баҳоуддин.

Башорат бўлди, ҳазрат Абдулҳолиқ, Ғиждувонийдан,
Олиб таҳсилу иршод илму урфонлар маконидан
Муяссар бўлди нури ҳақ риёзат бўстонидан,
Бўлиб воқиф бу одамнинг бари яхши—ёмонидан,
Ҳамма асрор донишмандисиз ҳазрат Баҳоуддин.

Қўлингизни тутиб Бобойи Самосий раҳнамо бўлди,
Дилингизга амир Саид Кулолнинг илми жо бўлди,
Илоҳиётга хизмат Сизга олий муддао бўлди,
Расулуллоҳ ҳадиси кўзларингизга знё бўлди,
Юраклар меҳрининг пайвандисиз ҳазрат Баҳоуддин.

«Даст ба кору, дил ба ёр!» дебон Сиз бердингиз таълим,
Бу йўлдан бахт топдилар саховат пеша кўп муслим.
Ҳақиқат посбонисиз, шариатда буюк олим,
Муборак руҳи покингиз, Нахлий ҳам қилур таъзим.
Шафоат аҳлининг дилбанди Сиз ҳазрат Баҳоуддин.

НАХЛИЙ.

НАҚШБАНД РУБОЙИЙЛАРИДАН

* * *

Менда на мафраш* бор ва на мафрашкаш,
Ва на ғуломони турки таркашкаш**.
Ҳар оқшом қаҳдон***да бечора итдек
Ухларман думимга қўйиб бош.

* * *

Фақирмиз, лек эмасмиз ҳеч кимдан кам,
Бизда йўқдир ҳеч нарсадан андуҳ ғам.
Жанда кийиб яшаймиз то гўристон,
Ҳатто ўлсак, тутилмас бизга мотам.
Форсийдан таржима.

*Мафраш — гилам, поёндоз.
**Таркаш — дубулғе.
***Каҳдон — — итнинг уйи



Бухоро қадим Орифон. Баҳоуддин Нақшбанд қабртошлари.

НАҚШБАНДИЯНИНГ БУГУНГИ АҲАМИЯТИ

Нақшбандия — нафақат халқ маънавий-руҳий олами, нафақат мантиқий-ақлий тафаккурнию фалсафий мушоҳадаси, балки бевосита ижтимоий ҳаётига таъсир ўтказган йирик тарихий ҳодиса. Чунки тасаввуф яккаш дунёқараш фалсафасигина бўлиб қолмасдан, балки жамиятнинг турли қатламларига кириб борган амалий машғулот ҳам эди. У ўз ғояларини тўғридан-тўғри ҳаётга татбиқ этишни, амалиёт билан машғул бўлишни талаб қилади.

Нақшбандия пайдо бўлган Бухоро шаҳрида кишилар ҳунармандчилик, савдогарлик билан машғул, атроф қишлоқларда яшайдиган аҳоли эса деҳқончилик билан банд эди. Шунинг учун тариқат асосчилари мавжуд шароитдан келиб чиқиб, тинимсиз равишда тасаввуфни меҳнат қилишларига мослаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу йўл шундай бўлиши керак эдики, биринчидан, моҳиятга заррача зиён етмасин, яъни тасаввуфнинг асосий масалалари қурбон берилмасин ва иккинчидан, тасаввуф йўлига кириш ўша меҳнат кишиларининг кундалик турмуш тарзларига кескин таъсир этиб, ҳаётларини ўзгартириб юборишга ундамасин. Бунинг учун нақшбандияда тасаввуфнинг асосий диққат-марказида турадиган масалалар иккига — сурат ва сийратга ажратилди. Чунки ҳар қандай нарсанинг ўзига зоҳиран ва ботинан қараш мумкин. Ана шу масалаларни ташқи ва ички жиҳатларга ажратиш ишни осонлаштирди. Тариқатнинг бош ақидаси шу тарзда пайдо бўлди — «дил-ба ёр-у даст-ба кор!» Дил, яъни кўнгил ботинни, даст, яъни қўл — зоҳирни англатади. Демак, тариқатда аввал масала ботин ва зоҳирга ажратилди, кейин аслида, бир-бирига зид жиҳатлар ўзаро мувофиқлаштирилди. Демак, ич ва таш айнан бўлиши шарт эмас. Суфий таш масаласида бир қадар «эркинлик»ка эга. Ҳатто у ташқи тарафдан бошқалардан ажралиб турмаслиги ҳам керак. Бу ўзини кўз-кўз ва Оллоҳга интилаётганини пеш қилиш, кишиларда иззат-икром тама қилиш бўлади. Бу эса нақшбандияга ёт.

Бир-бирига зимдан қарамақарши икки қутбни мувофиқлаштириш тариқатнинг бошқа айрим, масалан, «Сафар дар ватан» ёки «Хилват дар анжуман» шиорларида ҳам кўринади. «Хилват — ёлғиз қолиб Оллоҳ ёди билан бўлиш. Анжуман — кўпчилик йиғилиб турган жой. Албатта, анжуман солиққа хилват учун ҳалақит қилади. Лекин нақшбандия ақидаларига кўра, суфий ана шу анжуман, яъни кўпчилик одамлар даврасида ҳам хилват қилавериши мумкин. Чунки суфий ташқи жиҳатдангина анжуманда, аммо у ботинан Оллоҳ билан бўлаверади. Демак, нақшбандия хилватнинг ўзига қарши эмас, бироқ у хилват баҳонасида халқдан ажралиб қолиш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Шу тариқа нақшбандия Оллоҳга интилишнинг кўп ҳуфий йўлларини жорий этди. Жаҳрия усулида, яъни жамъ бўлиб зикр тушиш ҳам нақшбандияга хос эмас. Солиқ пинҳона — қалбан зикр тушаверади. Бу косибу савдогарнинг, амиру уламонинг тасаввуфга машғул бўлиши учун улкан имкон эди. Бундай муросакорлик кўпчиликка ёқар, шоҳга ҳам, гадога ҳам маъқул эди. Ҳатто бу тариқатда ҳукмрон доираларга хушомад қилиш бўлмагани сингари, уларга кескин ва ошкора қарши туриш ҳам йўқ. Суфийнинг ўз ботиний ақидасига кўра жамиятнинг қай бир табақасига, жумладан, ҳукмдорларга ошкор қарши туриши ҳам Оллоҳга ошиқликни пеш қилишку. Бу ҳам темурий ҳукмдорлар орасида нақшбандия мавқеининг кўтарилиб боришига олиб келди. Кўп темурийзодалар нақшбандий пирларига мурид тушдилар.

Ҳар қандай фалсафа каби, нақшбандияни ҳам, аввало, инсон қизиқтиради. Бошқа масалалар ана шу инсон атрофида айланади. Баҳоуддин Нақшбанднинг инсоншунослик борасида англаган сиру синоатлари — Илоҳдан берилган ва бир фавқулодда қудрат, савқи табиий ё олий руҳ биланми етган хулосаларига Ғарб фалсафаси ва руҳшунослиги аниқ тажрибаларга таянган ҳолда XX асрдагина келди. Булар айнан қайси хулосалар эканини исботлаб кўрсатиш учун келажакда тадқиқотлар яратилиши муқаррар.

Боти ва зоҳирни, яъни «дил-ба ёр»лик учун «даст-ба кор»ликни қурбон қилиш шарт эмаслиги ғояси ҳар ким ўзи учун меҳнат қилиб кун кўриши керак, деган ўта ижтимоий адолатни байроқ қилган талабга ҳам асос бўлди. Нақшбандийлар бу ақидаларга қатъий амал қилдилар. Ахир, тасаввуф ўзликни, худбинликни енгишга қаратилган фалсафа бўлса, солиқ қандай қилиб бу дунёда бировнинг меҳнати эвазига яшасин?! Демак, башарият тарихида яратилган кўп машҳур таълимотлар сингари, нақшбандия ҳам жамиятдаги адолатсизликларга барҳам беришнинг йўлларини излади.

Тасаввуфнинг барча асосий тариқатлари каби, нақшбандия бутун диққат-эътиборни ялпи жамиятга, қандайдир синф ё ижтимоий табақага эмас, бевосита Шахснинг ўзига қаратди. Бахтга эришмоқчи бўлсанг, бу дунёда адолат билан яшайман, у дунёнинг боқийлигига эришаман, десанг, бировга қул қам бўлма, бировни ўзингга қул ҳам қилишга интилма. Бунинг учун эса ҳар бир киши ўз нафсини ўзи енгиши, ўзини-ўзи адолат, инсоф ва иймон билан бошқариши, ўзини-ўзи тинимсиз поклаши, пир кўмагида ўзини-ўзи камолга етказиши, риёзатлар чекиб, ўзини ҳаёт тақозо этган жамики қийинчиликларни енгишга шай бир ҳолатга кўтариши зарур. Одамларнинг ўзини комил инсонлик сари йўлламай, улар қалбида маърифат чироғини ёқмай туриб, бу дунёда ижтимоий адолат ўрнатишнинг ҳеч бир иложи йўқ! Нақшбандиянинг бу ғоялари ҳозир жаҳоннинг мутараққий мамлакатларида камолга етган демократия ақидаларининг сарчашмалари эди, десак хато қилмаган бўламиз. Бу тариқатнинг аҳлоқий-одобий меъёрлари ҳам инсонийлик илмининг жаҳондаги энг бой манбалари янглиғ қаралиши керак.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

НАҚШБАНД РУБОЙИЙЛАРИДАН

Таниқли шоир Сайидаҳмад Васлий Самарқандийнинг «Назмус силсила» номли тожик тилида ёзган шеърий асарининг мақсади нақшбандия силсиласи вакиллари ҳаётини ёритиш, тарихий маълумотларни келтириш эмас, балки, суфийлик нисбати, тариқат занжирининг халқаларини баён этишдир. Асарни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм Баҳоуддин Нақшбандга қадар бўлган шайхлар силсиласини ўз ичига олса, иккинчи қисм Нақшбанддан кейинги намояндалар ҳақида маълумот беради.

Баҳоуддин Нақшбандни муаллиф «дин устунларини мустаҳкамлаган, ғайб асоридан мужда берувчи, кўзи олдида ҳар бир маҳфий нарса ошкор бўлгувчи» мукаррам зот, деб таърифлайди. Нақшбанд таълими минг-минг дилларга файз келтирди, у яширин усул билан Хизр каби қалбларга нур бағишлади, деб ёзади Васлий Баҳоуддин ҳақида.

Биз учун асарда муҳим бўлган жиҳат силсиланинг кейинги асрлардаги ривожидир. Яъни XVIII — XIX асрларда нақшбандия таълимотини эл орасига ёйган Хожа Муҳаммад Обид, Муҳаммад Мусохон, Хожа Муҳаммад Сиддиқ, Мавлоно Ҳусайн, Мирмуҳаммад Иброҳим каби шайхларнинг хизматлари таъкидланиши, муносиб баҳоланишидир. «Назмус силсиласи»да бу зотларнинг таржимаи ҳоли ҳақида айрим маълумотлар бор. Чунончи, Ҳожа Аҳмад Форуқ бир неча суфиёна асарларнинг муаллифи бўлган, мактубларида ҳам талай масалалар устида қимматли фикрлар билдирган. Ҳожа Муҳаммад Саид Муҳаммад Форуқнинг ўғли бўлиб, тасаввуф таълимотини отасидан олади ва яна кўп илмларда ягона ҳисобланган. Муҳаммад Обид эса «аҳли ҳақнинг қутби», иборат расмини олий даражага кўтарган киши, унинг шогирди «нажиб аҳлоқли» Мусохон Хажга бориб келгач, Бухородан Самарқандга кўчиб бориб, Даҳбед қишлоғида макон тутади ва «ўзбеку тожикни, ашрофу бекларни, деҳқону ҳунармандни ҳақ йўлга чорлаш» билан шуғулланади.

Маҳдуми Аъзамнинг ўринбосари ҳисобланган Мусохон Нақшбандия сулуки одоби ва қоидалари ҳақида бир неча китоблар таълиф этилган. Мусохоннинг мажзуб шогирди Муҳаммад Сиддиқ оташнафас валилиги,девона сифат ошиқлиги билан ажралиб турган, Мавлоно Ҳусайн эса зикри фикри хафийда шуҳрат қозонади. Бухоро шаҳрида хонақо қурдириб, кўп шогирдларга устозлик қилади. Мавлоно Ҳусайн хонақоси Васлий замонида ҳам ишлаб турган. Агар Мавлоно Ҳусайн Бухорода Нақшбанд сулукини янгитдан жонлантирган бўлса, унинг иқтидорли шогирди Мирмуҳаммад Иброҳим Самарқандда бу тариқатнинг пойдеворини қуради. Мирмуҳаммад фано ва тавҳид илмида тенгсиз эди, деб ёзади шоир, ўзи ҳам фано дарёсига ғарқ бўлар, гўё руҳи илоҳиёт билан қўшилиб, ваҳдад юз берарди. Унинг файзидан Самарқанд бамисоли жаннатга айланди, Мирмуҳаммад вужудини ўзи яхлит бир илоҳий неъмат эди, дейди Васлий. Самарқанд шаҳрида Мирмуҳаммаднинг хонақоси бўлган. Васлий Самарқандийнинг пири муршиди Эшони Валихон ана шу Мирмуҳаммаднинг шогирди бўлиб, унинг хонақосида тариқат таълимини олган.

Эшони Валихон асли ургутлик, у илму ирфонда камол касб этган зот бўлган, тавҳид асрори, илму-яқиннинг кошифи, сурату сийрати пок бу бузургвор ҳақида Васлий ёзади:

Орифи ҳақ, воқифи лавҳи казо,
Нури мутлақ, манбаъи сабру ризо.
Силсила жунбони шоҳи Нақшбанд,
Хонақоҳаш — ҳонақоҳи Нақшбанд.

(Ҳақ орифи, қазову қадар ёзиғининг воқифи, Мутлақиятнинг нури, сабр ва ризоликнинг тимсоли. Шоҳ Нақшбанд силсиласи — занжирининг силкитувчиси. Унинг хонақоҳи ҳам Нақшбанд ҳонақоҳидир).

Валихон эшон Ургутда маскан тутиб, мадраса ва хонақо қурдирганлар, Васлийнинг ёзишича ул киши туфайли «Ургут етти кишвар-га овоза бўлди». Натижада бутун Туронзамин шаҳарлари — Қарши, Ўш, Ҳисор, Кеш, Тошқанд, Фарғона, Чоржўй, Кўлоб, Бухоро, Балх, Тароз, Термиз, Хўжанд, Қоратегин, Панжакент, Бадахшон ва бошқа шаҳру кентлардан муридлар йиғилган ва унинг тарбиясида «ҳақ нуридан баҳра топганлар».

Васлий Самарқандий Валихоннинг силсиласини баён этгач, «ҳазрати Эшон мадҳида» деган алоҳида боб ажратиб, пирининг ажойиб кароматлари, эзгу ишлари, илму амали ва нажиб аҳлоқи ҳақида сўзлайди. Шоирнинг гувоҳлик беришича, Валихон эшон бағоят камтарин, аммо заковатли, валилик нури манглайида балқиган инсон бўлган экан. Минглаб одамлар ул зотнинг ҳузурига келиб, руҳий-маънавий мадад олган, суҳбатидан, дил ҳароратидан қувватланиб, шифо топган. «Сенинг даргоҳинг фитна ва найрангларидан холи, истиқомат жойинг малак маконидан ҳам тоза», деб ёзган муаллиф. Эшоннинг бутун фикру ёди халқни тўғрилик, ҳақ йўлига ҳидоят этиш, салоҳ ва офият, қаноат ва қалб осудалигини таъминлаш бўлган.

Дини Муҳаммад дийро аз ту ривожу равнақ,
К-нн раҳ, ки мерави ту роҳи расули содиқ.

(Муҳаммад дини сендан ривожу равнақ топади, чунки бораётган бу йўлинг расули содиқнинг йўлидир).

Эшони Валихон, шундай қилиб, Ургутда нақшбандия сулукининг янги ўчоғини бунёд этдилар. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида у киши ва авлодлари саъй-ҳаракатлари билан тасаввуф ғоялари кенг сингиб борди. Валихон эшон 1915 йилда вафот этганлар, қабрлари Ургутнинг Чорчинор мавзеидадир. Васлий Самарқандий Валихоннинг фарзанди аржмандлари Хожа Муҳиддинхон ҳақида ҳам хабар бериб ёзадики, Муҳиддинхон бузургвор отадан «нури нисбат теккан» муносиб фарзанддир. (У киши Васлий била бирга мадрасада таҳсил кўрганлар).

Аммо Муҳиддинхон эшоннинг тақдири фожиали бўлди. Совет ҳокимияти номи билан иш кўрган қизил мустамлакачилар миллатнинг гули бўлган зиёлилар, равшан фикр уламолар, руҳонийлар, эшону суфийларни таъқиб остига оладилар. Муҳиддинхон инқилобнинг дастлабки йилларидаёқ бутун ерлари, ота мерос мол-мулк, уйжой (жўмладан вақф» ерларни ҳам) ихтиёрий равишда Совет ҳукуматига топширган бўлса-да, лекин омон қолиши мумкин эмаслигини сезиб, хотин ва фарзандларини қолдириб, яширин равишда хорижга қараб йўл олади. Бир неча йил Афғонистонда яшаб, ўша ерда вафот этди. Муҳиддинхон эшон саҳий ва раҳмдил, нотиқ ва билимдон одам бўлган. У кишининг ўғиллари Қутбиддинхон эшон (1983 йилда вафот этган) нақл қилишича, вақф ерлардан келган даромад камбағаллар ҳожатини чиқариш ва муллаваччалар ҳаражатини таъминлашга сарфланган, Муҳиддинхон Ургутда янги мадраса қуриб Бухоро ва Самарқандда мударрисларни даъват қилганлар, суфиёна тариқат таълими баробарида зоҳибий илмларни ўргатиш жорий қилинган эди. Қутбиддин эшоннинг ҳаёти ҳам оғир кечган. Ул киши филология фанлари номзоди Маҳдихоннинг «Санглоҳ» асарини таржима қилган, «Фаранги забони тожик» ва «Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати»ни тузишда фаол қатнашган аллома, мискин табиатли бир инсон эдилар. Илму адабда қалби дарё ана шу беозор киши ўн бир йил Сибирь жазо лагерида азоб чекиб қайтади. «Гуноҳлари» — эшон авлодидан экани. Сенинг отанг чет элга қочиб кетган, лашкар тўплаб советларга қарши курашади, шунинг учун сен айбдордирсен, деб «дело» тузилган. Бундай туҳмат гаплардан мақсад халқнинг асл фарзандларига ситам қилиш, миллий қадриятларни поймол қилиш эди.

Бу фактларни қайд қилишдан мақсад, маънавият пешволари, руҳий мураббийларимиз бўлиб келган тасаввуф вакиллари, жумладан нақшбандия шайхлари тарихимизнинг ажралмас қисми эканини таъкидлаш ва уларнинг ҳаётини ўрганиш мустақиллиқнинг пойдеворини қураётган халқимиз учун муҳим сабоқ эканини айтишдир. Дарҳақиқат, маънавият ва мустақиллик тушунчалари ўзаро алоқадор, чунки тарихимиз, маънавиятимизни қанчалик чуқур ўргансак, мустақиллиқнинг моҳиятини шунчалик теран англаб борамиз.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

СИЛСИЛАНИНГ ОХИРГИ ХАЛҚАЛАРИ



Қадимги Марв (Туркманистон). Ҳазрат шогирдларидан Юсуф Ҳамадоний мақбараси ва масжиди.

• *Унутмас мени боғим*

ТАҚДИРИ АЗАЛ



Янги йил арафасида «Совет Ўзбекистони» газетасидан қўнғироқ қилиб байрам сонига «чиройли публицистика» ёзиб беришни илтимос қилишди. Грипп билан қаттиқ оғриб, баланд иситмада, ҳатто ишга ҳам боролмай беҳол ётган бўлса-да, бемор бу топшириқни қайтармади, қайтаролмасди. Ёнида «ҳозироқ стационарга ётишингиз керак, домла», деб турган врачга ҳам «байрам ўтсин», дея базўр жилмайди...

...Алғоғ-далғовли 1918 йилнинг авжи ёз палласида Ўзбекистондагина эмас, Туркистон ўлкасида илк миллий матбуот органи «Иштирокиюн» газетаси дунёга келди. Унинг биринчи сони «Яшасин меҳнаткашлар мухторияти» шиори остида чиққанди. Орадан кўпам вақт ўтгани йўқ. Эрта кузда Тошкенти азимнинг Хадра майдонига туташ 2-Тиконли мозор маҳалласида, косиблар оиласида фарзанд туғилди. Тақдир қалами унинг ҳаёт йўлини қандай белгиларкин? Умр деб аталмиш ҳаёт сўқмоқларида у кимлар билан ҳамнафас бўлиб ўз ризқини қаерлардан териб еяркин? Бешафқат турмуш уммонларида мақсад соҳилига безиён етиб бора оладими? Ваҳолонки, вақти келиб деярли бир вақтда таваллуд топган газета билан чақалоқнинг тақдир чизиқлари бирлашиб кетишини тақдири азалдан бўлак ким ҳам биларди.

Шайх Саъдий номли мактабда ўқиб юрган кезларида ҳуснихати чиройли бўлганидан мактаб деворий газетасига муҳаррирлик қилган ва буни катта шараф деб билган ёш йигитчанинг газетага илк меҳри шу ерда тушган бўлса ажабмас. Балки газетага боғланиш, унга бирон-бир мақолами, хабарми ёзишнинг азоб-уқубатиё, босилиб чиққан материалини ўқиб лаззатланишнинг ҳиссини ҳам илк марта шу ерда тотган бўлса нима дейсиз.

Ўттиз еттинчи йили «Ленин учқуни» газетасига ишга жойлашиш росмана меҳнат фаолияти — газетачиликнинг бошланиши бўлди. Кейинроқ, бу фаолият «Ёш ленинчи» газетасида давом этди. Бироқ бандаси пешонасига ёзилганини кўрмай иложи йўқ дейишади. У ҳам кўрди. Смоленск шаҳридаги ҳарбий хизмат, унинг авжи Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келиши, душман билан ўрмондаги жанглар, чалажон ҳолда бир неча кун окопда қолиб кетиш, контузия бўлиб Тошкентга қайтиш... ва яна кўп ўтмай Ўрта Осиё ҳарбий округининг органи «Фрунзевец»да журналистик фаолиятининг қайта бошланиши. Тақдирни қарангки, бир йилда таваллуд топган газета билан ўша чақалоқ бир-бирлари билан йигирма олти йилдан сўнг «учрашишди». Ўша пайтдаёқ баобрў, мўътабар ҳисобланган «Қизил Ўзбекистон» газетаси республиканинг энг кўзга кўринган, элга танилган ижодкорлари масканига айланганди. Ана шу қутлуғ ижодхонага ишга таклиф этилганидан беҳад мамнун ёш журналист ўзига билдирилган ишонч ва юкланган масъулиятни дилдан ҳис этарди. Айни кезда бу муқаддас даргоҳ кишиларининг салобати ҳам босар, ёзганларим уларнинг имтиҳонидан қандай ўтаркин, деб ҳадиксирарди ҳам. Аввалига адабий ходим, кейин бўлим мудири вазифасида ишлади. Фарҳод ГЭС, Бекобод металлургия заводи, Каттақўрғон сув омбори сингари йирик иншоотларни барпо этган азаматлар ҳаётидан, саноат корхоналарининг баҳодирлари, Оҳангарон кончилари, далаларимиз миришкорлари ҳақида «Шу кунларда», «Фарҳод ГЭС ёшлари», «Ўзбек металлургларининг байрами», «Бир процентнинг қиймати», «Камолот», «Юз миллион», «Тўёна» сингари қатор лавҳа, очерк, ҳикоялар ёза бошлади.

Қирқ тўртинчи йили Ўзбекистон пахтакорлари мамлакатга бир миллион тонна пахта етказиб берамиз, деб қасамёд қилишганди. Аксига пахта йиғимтерими чўзилиб кетиб, планнинг бажарилмай қолиш ҳавфи туғилган. Бу халқ қасами бажарилмай қолиши деган гап эди. Ана шундай оғир ва масъулиятли паллада «Правда» газетасининг сайёр редакцияси ташкил этилди. «Правда»нинг Ўзбекистондаги мухбири В. Вельмицкий «Правда» сайёр редакциясининг редактори, ўзбек редакциясига эса йигирма олти ёшли ёш журналистни масъул котиб қилиб тайинлашди. Сафар учун зарур бўладиган барча нарсалар, махсус вагон, автомашина билан Фарғона водийси бўйлаб йўлга чиқишди. Вагон редакция, ётоқхона, ошхона вазифасини ўтаҳарар, варақалар шаклидаги газеталар эса область босмаханаларида босилиб, самолётларда тарқатилар, ҳатто пахта майдонларига ҳам олиб бориб ташланарди. Матбуотнинг бу қадар жанговорлиги ташкилотчилик, таъсир кучи редакция ходимларини шунчалик руҳлантириб юборгандики, уйқу, чарчаш нималигини билмай «Правда» пахта учун курашда»ни чиқаришарди. Ниҳоятда оғир, аммо бир умр эсда қолган бу сайёр редакциядаги жўшқин ижодий иш ёш ижодкорнинг журналистикага бўлган ҳавасини ўстириб, мустаҳкамлабгина қолмай, уни бутун ҳаётининг мазмунига айлантирди.

Редакция ҳаёти, айниқса, байрам ёки бирон катта маърака кезларида қайнаши ўша даврнинг анъанаси эди. Бир сафар газетанинг Май байрами сони муҳокамаси пайтида редактор Ҳожиакбар Ғуломов кўп болали тошкентлик темирчи оиласи ҳақида катта очерк бериш кераклигини таъкидлайди. Шунда ҳамма анчадан буён бу оила билан борди-келди қилиб, айрим нарсалар қоралаб, ёзиб юрган ходимга қарайди. Байрам сонига очерк ёзиш ўз ўзидан шу ходимга топширилади. Аслида журналист халқидек синчков, ўйчан, кузатувчани кам бўлади. Радиодан тошкентлик темирчи оиласи фронт яқинидан кўчириб келтирилган болалардан иккитасини ўз тарбиясига олгани ҳақидаги хабарни эшитиб тинчини йўқотган, Жарариқдаги кўнчилар маҳалласига уларни қидириб борган ҳам ўша аҳдидан қайтмайдиган журналист эди. Сердарахт ҳовлига дастлаб кириб борганида Шоаҳмад ака ва Баҳри опалар очиқ чеҳра билан, эски қадрдонларидек кутиб олишади, уни. Шу-шу бу хонадонга тезтез борганидан ҳатто бир сафар «Шоаҳмад ака мени ҳам уй дафтарингизга тиркаб қўядиган бўлдингиз», деганида, у киши «уй дафтари шунчаки бир қоғоз, кўнгил дафтарига ёзаман» деб жавоб берадилар.

Редакторнинг топшириғи сабаб бўлиб, ўзи пишиб юрган очерк — «Воқеий қиссадан саҳифалар» икки кунда тайёр бўлди. Ҳаммадан ҳам буёғи қизиқ тугаган. Байрам куни Қизил Майдонда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудири очерк муаллифига намойишдан кейин ҳузурига киришни тайинлайди. Муаллиф борганида эса уни Министрлар Советининг Раиси Абдураззоқ Мавлонов қабулига олиб киришади. Шунда у киши «Раҳматга айтадиган раҳматимиз бор. очеркингиз учун сизга раҳмат ука... Нонуштагача ўқиб чиқдим. Хурсанд бўлдим. Қани энди темирчининг оила аҳволини батафсилроқ айтиб берингчи», деб сўрайди. Орадан уч кун ўтиб Шоаҳмад аканикига борганида ҳовлидаги сигирни кўриб, яна ўн тўрт бола учун кинотеатрга текинга тушиш ҳақида рухсатнома ҳам берилганини эшитиб, булар тўғрисида газета редакторига айтади. Шунда у киши «Битта очеркнинг таъсирини қаранг, бу шундай даргоҳ-да», дея кулиб қўяди.

Дарҳақиқат, шу катта даргоҳда униб-ўсиб, камолга ета бошлаган ёш ёзувчининг «Тўёна» тўплами, илк асари — «Чўлга баҳор келди» повести ҳам мазкур газета бағрида, журналистик фаолияти даврида яратилди. Муаллиф ижодининг асл мағизи бўлмиш буюк инсоний меҳр-оқибат мавзуига «Қизил Ўзбекистон» газетасида тамал тоши қўйилганди. Бу мавзу дастлаб очерк, ҳикояларга, «Меҳр» қиссасига, «Сен етим эмассан» киносценарийсига ва ниҳоят «Ҳазрати инсон» ва «Авлодлар» романларига асос бўлди. Тақдирни қарангки, умрининг охиригача шу газета саҳифаларида бошланган ва сўнгги марта ҳам шу газетада эълон қилинган «Меҳр» публицистикаси билан ўз мавзуига, демакки ўз газетасига содиқ қолди. Бирга туғилганларнинг тақдир чизиқлари шу даража бирлашиб кетганлигини ўзим ҳам энди англаётгандекман.

Тақдир! Тақдири азал! Бу ибораларни кўп эшитганман. Турли ҳолларда турлича талқин этилганининг гувоҳи бўлганман, аммо бу сўзнинг том маъноси, мағзини энди тушунаётгандек, уни энди англаётгандекман. Минг йиллик тарихга эга халқимиз сўз бисотида бу ибора мазмуни коинотдек чексиз, уммондек чуқур. Инсон дунёга келиб, фонийдан боқий дунёга «сафар қилишгача» бўлган давр, бебаҳо умрнинг бу иборага нисбат берилиши бежиз эмас экан.

Маъзур тутинг, азиз муштарий, ҳар гал адажоним ҳақида бирон нарса ёзаман деган хаёлда юраманю, бироқ ички бир ҳиссиёт, тўғрироғи андиша, хижолатга ўхшаш туйғу мени қамраб олади. Сабаби у киши ўзлари ҳақида гапиришни, ёзишни ҳечам ёқтирмасдилар. «Буни шу соҳанинг мутасаддилари қилгани яхши» дегувчи эдилар. Энди шу ишни фарзандлари — мен қилсам пок руҳлари азият чекмасмикан, деган ғийга борардим. Бунинг устига адажоним билан боғлиқ кўпгина воқеа-ҳодисаларни кўрмаган, гувоҳи бўлмаганман. Лекин улар ҳақида эшитганларим шу даража аниқ-тиниққки, гўё ҳар бир гапириб берган воқеаларини ўз кўзим билан кўргандек, ўзим гувоҳи бўлгандек тасаввур қиламан. Тасаввуримдаги ана ўша хотиралар мени яна тинч қўйишмади. Қоларверса, ҳаёт бўлганларида шу йил етмиш беш ёшга тўлгувчи адажонимни, таъбир жоиз бўлса, ижод боғига олиб кирган, катта мактаб вазифасини ўтаган табаррук газетанинг ҳам худди шу ёшини нишонлаш арафасида эканлигимиз мени ҳар қандай хижолатдан «қутқарди».

Летучка хонамизда «Ўлмас сиймолар» фотостендимиз бор. Унга адажонимнинг ҳам суратлари қўйилган. Ҳар сафар летучка пайтида суратга бир назар ташлайман. Гўё шу хонада кўп қатори мен ҳам ўтирганимдан адажоним мамнундек туюладилар. Менга уларнинг қиёфалари ҳамиша далда бўлади. Бироқ барибир дилимни армон ўртайди. Ўзлари ҳаёт бўлганларида севимли, ардоқли газеталари ҳақида бир олам хотиралари сизларга инъом қилган бўлардилар ва ҳамиша қайта-қайта такрорлаган «Умримнинг охиригача унинг топшириқларини — бир неча сатрлик хабардан тортиб, бадиий асаргача — нимаики бўлса, қўлимдан келган ҳаммасини бажонидил бажаришни ўзимнинг энг шарафли, муқаддас бурчим деб биламан. Устоз газета олдида ҳамиша икки қўлимни кўксимга қўйиб таъзимдаман», деган сўзларини ўзлари айтган бўлардилар.

Тақдири азал деганлари шу экан...

...Етмиш тўққизинчи йилнинг йигирма тўққизинчи декабри эди. Ишдан келиб (мен шу газетанинг корректура бўлимида ишлардим), аҳволларини билай деб адажонимнинг олдиларига кирдим, бамисоли ёниб ётибдилар. «Келдингми қизим, ман яхшиман, ўтир, қоғоз-қалам ол, улгуриб ёзишга ҳаракат қил», дедилару, аста-аста айта бошладилар. Қийналаётганларини сезиб турардим. Иситманинг зўридан анча ҳолсизланиб ётган бўлсалар-да дам ётиб, дам ёстиққа суяниб, фикрларини баён этардилар, уларни қоғозга туширдим. Охири жуда чарчадилар. «Бугунча етар қизим, эртага қайта ўқиб кўрамиз-де кейин машинка қиларсан» дедилар. Ўттиз биринчи декабрь куни ишга келиб, мақолани топширдим. Ўша куниёқ вёрстка бўлди. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг Янги йил сонига аталган «Кираверсин давлат...» номли публицистикаси шу йўсинда ёзилиб, 1980 йилнинг биринчи январида «Совет Ўзбекистони» газетасининг иккинчи саҳифасида чоп этилди...

Икки кундан кейин уйга қўнғироқ қилиб мақола билан табрикламоқчи бўлган Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла адажонимнинг стационарда эканликларини эшитиб «шу ҳолатда қандай ёзди-а», дея ҳайрон бўлгандилар...

Умида ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Рауф ПАРФИ

БАХТ ВА ТАШВИШ

50 ЁШ

ОНАМ САКИНА ИСО ҚИЗИГА

Бахт деб сен чеккан ташвишга ўғлинг арзирми, уза биламанми бир замон узиш мумкин бўлмаган қарзимни!! Ташвиш — қўрғошин каби оғир, Ватан каби, Туркистон каби, Бахт каби оғир, шунча ёшга келиб шамолдай елиб нима фойдам тегди, нима ахир! Мени деб ташвиш ютасан, менга Дунё чоғлаб бошингдан дунёни баланд тутасан, қизғонасан, тўпори ўғлингни. Бир машъум зарб ила тўхташи мумкин тақдирлар умри... Истамайсан ваҳший вулқон ила тўсилиб қолсин қуёш. Шундандир қуёшлар қайнови қонингда, шундандир кўзларингда баъзан ёш. Ҳа, дилларинг доғи бор, умрларинг адоғи бор, бегумон. Аммо, Хиросима даҳшати билан бир куни бир зумда оламдан ўтишимни истамайсан, онажон. Мени бахтим, бахтим деганинг, менинг бахтим эканинг. Бироқ, қийнар ташвиш — бахтиёрлик каби жиддий иш; сени ҳижолат этганим сени маломат этганим — дунёдан бош олиб кетганим. Майли, ҳаммаси олдинда чекмаган заҳматим, битмаган хатим, олмаган нафасим олдинда, ташвишимни оқларман.

Бахтимни ардоқларман қайта туғилган ўғилдай.

СЕН ҚУЁШСАН

Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон,
Даргоҳингда, эй туркий тилим.
Менга бир шеър керак, эй мезбон,
Ёзилмаган шеър эрур дилим.

Айтгил, нечун бунчалар қизиқ
Эски жаҳон, бу эски жаҳон!
Бир шеър керак нон каби иссиқ,
Менга бир шеър керак, эй мезбон.
Мен ғарибман ва сен беомон,
Сен қуёшсан — мен сўнган чироқ,
Қийнамагил мени, онажон.
— Сен — абадий, мен — лаҳза, бироқ,
Итоат эт менга шул замон..
Ё айлагил телбани тупроқ

ЭЙ, КЎНГЛИМГА ЙЎҒРИЛГАН ВАТАН

Дарё каби доимо уйғоқ
Интилишим тоғ қадар баланд,
Олис йўлга отландим бироқ.
Меҳрим билан, муҳаббат билан
Эй кўнглимга тугилган Ватан.
Хотиралар сўзлар ҳар бир тош,
Эсдаликлар ёғади осмон.
Тирикликнинг шаҳиди Қуёш,
Эсламакдан тинмайди ҳамон,
Оҳ, Туркистон, Она Туркистон.

Чақиради тоғлар, дарёлар,
Яна йўлга чорлайди мени.
Мени чорлаб қуёшлар ёнар —
Ўргатадир ёниш илмини,
Чақиради тоғлар дарёлар.
Ҳали олдда қанчалар довон —
Ўтгунимча то уни босиб,
Сўйла наҳот битадир дармон,
Кўзларимнинг тугар зиёси!!
Ҳали олдда қанчалар довон...

Оҳ, Туркистон, энг ширин бўса
Каби лабларимда ўриндинг.
Мен олисга отланар бўлсам,
Юракларим бўлиб кўриндинг,
Оҳ, Туркистон, Она Туркистон.
Дарё каби доимо уйғоқ
Интилишим тоғ қадар баланд.
Олис йўлга отландим, бироқ,
Сенга бўлган садоқат билан,
Эй, кўнглимга йўғрилган Ватан.

ЮРАК

Гўё барибирдир яхши ва ёмон
Юрак сенга борар кўчалар очиқ...
Сачраб ёнарсан-у бўлмассан тамом
Ўткинчи ғамларга аччиқма-аччиқ.
Юрак, йўлларингда турганман такрор.
Роса сайраганман сенинг тўғрингда.
Ким билар ақлимга келдинг неча бор,
Неча бор сўзладим сенинг йўғингда.
Балки, алдаганман ваҳима ютиб,
Сен ҳам ташвишларга солгансан балким.
Бугунчи дейман мен ўзимни тутиб:
Сен ҳақсан барибир, менинг юрагим.

Шул осмон остида кезгаймиз ҳали,
Мантиқ ахтаргаймиз изғиб изма-из.
Даркор бўлақолсанг йиқилгил, майли,
Фақат йиқилмасин шўрлик дунёмиз.
Майлига, ҳайқирай имоним ҳақи,
Кўкларга термилиб солайин уввос.
Мен фақат Туркистон аталган ёрқин
Бир бутун юртимни истайман холос.
Гарчи тўлқинман-ку эркин сеҳрингга
Унда собит турар мақсуд — манзилим.
Қолиб кетмасайдим сенинг меҳрингдан.

Қолиб кетмасайдим йўлда узилиб.
Ажойиб диёрсан қалбим, на чора,
Шодлик ва ҳасратнинг масканисан.
Овоз бер куйингни эшитиб зора
Эслаб қўярлар-ку ҳеч бўлмаганда.
Айтгил, куйларманми бир кун юрагим,
Айтгил, куйларманми боқмай ўзимга.
Сени жарроҳ каби совуққон ва жим
Юлиб қўярманми қоғоз юзига.
У пайт алдамасдинг кўзимга боқиб,
Шодумон дардингни айтардинг буткул.
Унгача илҳомлар келмагай оқиб
Унгача дунёни англамак мушкул.

ТУРК АЁЛИ ИБОДАТИ

Илтижо, илтижо сўлғин қуёшга,
Ёруғлик эмас бу, илтижолар-ку.
Фарёдми, болишми қўйилган бошга!
Ялдони яшиндек янчиб яшар у.

Қуритиб оладир кўз ёшин бир дам,
Изғириқ елларда тўзғитиб сочин.
Инграниб тилайди парвардигордан,
Қайда унинг ўғли! Қайдасан лочин!

Умрбод айрилмиш севгилисидан,
Раҳм эт, ўғлидан айирма худо.
Ибодат қиладир оғиб эскидан,
Ибодат қиладир ақлидан жудо...

Ҳушига келганда тағин саждалар...
Ёлғиз осмондадир юпанч — тасалло.
Турк дунёси, унинг ёлғизин қайтар
Иншолло, онажон, иншолло. Аммо...

Қонли жангдан ҳайҳот қайтмади ўғли,
Унга атаганинг шумиди қисмат.
Шу қаро фалакда бормисан-йўқми,
Борми сенда айтгил заррача шафқат!

Жавоб бер, эй сотқин, эй жаллод гапир,
Борлиқ тек аёлга қарай олмас тик.
Она ҳузуридан йўқолар ахир,
Қайгадир судралиб сояси эгик.

Қайгадир судралар асрлар оша,
Инсон чеккан алам — бир туш бир хаёл.
Барча қийноқларга якунлар ясаб,
Шу кун фаришгага айланди аёл.

Шу куни ёрқинроқ порлади қуёш,
Қайтадан туғилди бу кўк, бу — воҳа.
Ортиқ ер юзига сокин қўйди бош,
Улуғ турк аёли, қутлуғ илоҳа.

Қани муҳаббатдан тонганлар келинг,
Бошларга минг савдо солганлар келинг,
Ҳайкалга айланиб ёнганлар келинг,
Қон ичиб қонларга қонганлар келинг...

Келингиз, жам бўлиб сажда қилмоққа,
Муқаддас пойида тинглангиз буйруқ.
Туркийлар топининг туриб оёққа
Ўзга меҳроб йўқдир, ўзга қасам йўқ.

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОНГА МУХАММАС

Юзлашдинг балоларга, аламлар ичра кўзлашдинг,
Ўзинг куйдинг, ўзинг ёндинг, ўзгалар ҳаққи ўзлашдинг.
Бу қул бозоринда изғиб қумрилар каби бўзлашдинг,
Кўнгил сен бунчалар нега кишанлар бирла дўстлашдинг,
На фарёдинг, на додинг бор, нечун сен бунча сустлашдинг!

Кўзимга ҳоки Туроним озодлик гарди инмасми,
Бу кунлардан умид йўқми! Йўлларинг қаро тунмасми!
Хазон бўлган баҳор сенми, нишон ҳурликдан унмасми!
Ҳақорат дилни оғритмас, тубанлик мангу тинмасми!
Кишанлар парчаланмасми, қиличлар энди синмасми!

Оллоҳ-оллоҳ, йиғларсан булутдек бағри сўзонсан,
Мунавварсан, мукаррамсан рисолат туғида шонсан.
Сен Каъбамсан — Туркистонсан, ҳунимсан сен ахир қонсан.
Тириксан, ўлмагансан, сен-да олам, сен-да Инсонсан,
Бўйин эгма кишан кийма,-ки сен ҳам ҳур туғулғонсан!

КУЛРАНГ БУЛУТ КЕЗИНАДИ ЖИМ

Кулранг булут ўхшар уйқуга,
Кулранг булут бошлайди ҳужум,
Бақириб шивирлар руҳимга.

Нафаслари қисилиб гўё
Қалдирғочлар учар ер бўйлаб.
Ғамгин—ғамгин кўринар дунё —
Уйларини қийнайди ўйлаб.

Кулранг булут қулади охир,
Парчаланди шу муаллақ кўл.
Ғир-ғир шамол, ғир-ғир ёмғир
Суратимни чизиб берар йўл.

Қалқиб-қалқиб қўяди қараб,
Табассумлар ёзилган тупроқ.

Чапак чалиб, сочини тараб,
Бош ювади бир ҳович яп-роқ.

Яна булут кезмоқда сарсон,
Таъқиб этиб борар изимдан.

Нафасларга тўла бу осмон
Узилмайдир асло кўзимдан.

ҚАНДАЙ ГЎЗАЛ, ҚАНДАЙ ЛОЖУВАРД

Хаёл каби кўринар жаҳон...
Лекин менинг юрагимда дард,
Мендан хафа бўлманг, онажон.

Ухламасман тонггача она,
Тонгда чиқар ёрим бегумон.

Кўзингизга уйқу бегона,
Мендан хафа бўлманг, онажон.

Севгилимнинг ёнига борай,
Юрагимда қолмасин армон.
Унга йиғлаб, унга ёлборай,
Мендан хафа бўлманг, онажон.

Ишқ ёр бўлди мунис кўнглимга
Мени адо этди ул жонон.
Кўз тутмангиз энди йўлимга,
Мендан хафа бўлманг, онажон.

• **СПОРТ** •

НАВБАТ ҚУРЪА ТАШЛАШГА

● Ўзбекистон кубоги учун футбол бўйича чорак финал учрашувлари якунланди.

«Атласчи» — «Чирчиқ» — 3:2 (2:0), «Трактор» — «Нефтчи» — 1:3 (4:3), «Наврўз — «Навбаҳор» — 1:0 (2:4), «Динамо»—«Пахтакор» — 2:7 (2:2). Ана шу учрашувлардан кейин соврин учун курашни давом эттириш ҳуқуқини олган ярим финалчилар аниқланди. Чунончи, «Навбаҳор», «Атласчи», «Пахтакор», «Нефтчи» жамоалари курашни давом эттирадилар. Қайси жамоанинг қайси футболчилар билан майдонга тушиши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистон олий лига чемпионати жамоалари ўртасида 20-тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Нефтчи» 35 та очко билан олдинда бормоқда. «Пахтакор» ҳисобида 32 та очко бор. Навбаҳорчилар 29 та очко тўплашган.

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

● Туркияда эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилди.

Бу беллашувларда тошкентлик Ҳошим Ҳакимов ғалаба қозонди. Ғолиб шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Унинг ҳамшаҳари, олимпиада ўринбосари билим юрти талабаси Николай Телегин кумуш медаль соҳиби бўлди..

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

● Канадада эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

69 мамлакатдан полвонлар қатнашган бу мусобақада мамлакатимиз курашчилари умумжамоа ҳисобида тўққизинчи бўлишди. Шахсий ҳисобда Рамил Атаулин билан Руслан Хинчагов чемпионатнинг бронза медалларини қўлга киритдилар.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самарқандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—981. № 169. топширилди — 21.00.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, Х. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.